

А.С. Бекмуродов

# Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари



*Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари*

***А.С. Бекмуродов***

***Сурхондарёнинг  
ноёб ҳайвонлари***



Тошкент - 2018

УЎК 502.172(575.151)(075)

Б 49

КБК 28.688(5Ў)я7

Бекмуродов, А. С.

Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари [Магн] / А. С.. Бекмуродов.  
- Тошкент : Nihol, 2018. - 88 б.

УЎК 502.172(575.151)(075)

КБК 28.688(5Ў)я7

ISBN 978-9943-23-131-3

### Масъул муҳаррир:

**Ш.Х.Хуррамов**, Турон ФА академиги, биология фанлари доктори, профессор

### Тақризчилар:

**Ш.Х.Хуррамов**, Турон ФА академиги, ТерДУ ҳузуридаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази “Табиий ва аниқ фанлар таълими” кафедраси профессори, биология фанлари доктори

**К.Эшпазаров**, биология фанлари номзоди, ТерДУ Зоология кафедраси доценти

**А.Хуррамов**, биология фанлари номзоди, ТерДУ Зоология кафедраси доценти

*Услубий қўлланмада Сурхондарё вилоятининг табиий-географик тавсифи, вилоят ҳудудида тарқалган ноёб ҳайвон турлари, уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари тўғрисида фикр юритилган. Рисола университет, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари талабалари ва ўқитувчилари, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари, биология, экология соҳаларида тадқиқот олиб бораётган илмий изланувчилар, шунингдек қўриқхоналар, табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги ходимлари ҳамда ўз ҳаётларини она табиат билан боғлиқ деб билувчи барча қизиқувчилар учун мўлжалланган.*

Услубий қўлланма Термиз давлат университети Илмий Кенгазининг 26.10.2017 йилда бўлиб ўтган йиғилишида тасдиқланган ва нашрга тавсия этилган (қарор №3/4).

ISBN 978-9943-23-131-3

© Бекмуродов А.С.

©“Ofset Print”МЧЖ, “Nihol” нашриёти

## СЎЗБОШИ

Жонажон Ватанимиз мустақилликка эришган кунлардан эътиборан мамлакатимиз табиатини муҳофаза қилиш, инсон ҳаёт фаолияти учун зарур ҳисобланган ва она табиат бизга инъом қилган бойликлар, яъни табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига катта эътибор берилди. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир нечта моддасида бу масалага жиддий эътибор берилганлигида ҳамда давлатимиз томонидан қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида” ги қонунлар ва шу соҳага тааллуқли бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларда кўриш мумкин ва бу ҳужжатларнинг ҳар бири атроф муҳитни сақлашда, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда ўз ўрнига эга.

Биологик ресурслар орасида ҳайвонлар жуда катта ўрин тутиб, улар инсонлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳайвонларни муҳофаза қилиш, инсон эҳтиёжлари учун улардан оқилона фойдаланиш, уларга онгли муносабатда бўлиш мамлакатимиз таракқиётидаги устувор масалалардан биридир ва бу соҳада мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон фидойилик кўрсатиши, ўлкамиз ҳайвонот дунёси, хусусан, йўқолиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвон турларини сақлаб қолишга кўмаклашишни ўз бурчи деб билмоғи зарур.

Ушбу рисола дунё цивилизациясида муносиб ўринга эга, ўзининг мафтункор табиати, узоқ йиллик тарихи, маданияти, анъаналари билан бирга ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот олами ранг-баранглиги билан ҳам доимо инсонлар эътиборини жалб этган Сурхондарё вилояти ҳудудида учрайдиган ноёб ва йўқолиб кетиш арафасида турган ҳайвонлар, уларнинг сонини сақлаб қолиш, кўпайтириш масалаларига бағишланган. Рисолада ноёб ҳайвонларнинг учраш даражаси, муҳофаза чоралари, уларни кўпайтириш тўғрисида таклиф ва тавсиялар ҳам берилган.

Китоб университет, ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари талабалари ва ўқитувчилари, умумий ўрта таълим мактабларининг ўқитувчилари, биология, экология соҳаларида тадқиқот олиб бораётган илмий изланувчилар, шунингдек кўриқхоналар,

табиатни муҳофаза қилиш ва ўрмон хўжалиги ходимлари, барча табиат фидойилари ва қизиқувчилари учун муҳим қўлланма бўлади ва вилоятимиз табиатини муҳофаза қилишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

**Э.О.Турдимов**

Сурхондарё вилояти ҳокими,  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенати аъзоси

Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб колди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш - ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир.

**И.А.Каримов**

## **КИРИШ**

Ватанимиз истиклолни қўлга киритган дастлабки кунларда бошлаб ўлкамиз табиатини муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларига давлат тараққиётидаги асосий устувор вазифалар сифатида қарала бошланди. Чунки тирик организмлар, жумладан, инсонлар ҳаётида табиий ресурсларнинг ўрни жуда катта.

Асосий Қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XI-боб, 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, XII-боб, 55-моддасида эса “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” деб таъкидланган [2].

Табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган эътиборни давлатимиз томонидан қабул қилинган бир неча қонун, қарор ва фармонларда кўриш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Хайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Атмосфера муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”, “Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида” ги қонунлари ва шу соҳага тааллуқли бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар бунга яққол мисол бўлади. Табиатни муҳофаза этишда, табиий ресурслардан мақсадли, оқилона фойдаланишни йўлга қўйишда юқоридаги ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар бирининг ўз ўрни ва таъсири бор. Шу жиҳатдан олиб қараганда, инсоният келажакига дахлдор бўлган мазкур қонуний ҳужжатларга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлмоғи ва ҳар бир онгли инсон бу ишларда ўз шахсий ҳиссасини қўшмоғи зарур. Зеро, мустақил мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари



ва тараққиёт кафолатлари” асарида “Асрлар туташ келган паллада бутун инсоният, мамлакатимиз аҳолиси жуда катта экологик хавфга дуч келиб қолди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш-ўз-ўзини ўлимга маҳкум этиш билан баробардир” деб таъкидлаган эдилар [1].

Турли йилларда бир нечта тадқиқотчилар томонидан Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари тўғрисида маълум бир тур доирасида ёки маълум бир ҳудудда учровчи муҳофазага муҳтож ҳайвонлар тўғрисида маълумотлар берилган [14;21;22;23]. Лекин бутун бир вилоят ҳудудида учровчи ноёб турлар, уларнинг систематик ҳолати, учраш даражаси, муҳофаза чоралари тўғрисида биринчи марта мазкур қўлланма нашр этилаётганлиги боис у камчиликлардан холи бўлмаслиги табиий. Бундан ташқари турли таъсирлар натижасида ҳайвон турларининг ҳаёт тарзи, учраш даражаси ва ареали ўзгариб туриши ҳам ҳаммамизга маълум. Шу сабабли китоб ҳақидаги барча фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсияларни муаллиф миннатдорчилик билан қабул қилади. Бизнинг манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Термиз давлат университети, Зоология кафедраси. Электрон почта: *bekmurodov.70@mail.ru*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТАБИИЙ-ГЕОГРАФИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

Сурхондарё вилоятининг жаҳон цивилизациясида муносиб ўрни бор. Воҳа ўзининг мафтункор табиати, тарихи, маданияти, анъаналари билан бирга, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот олами ранг-баранглиги билан ҳам доимо олимлар эътиборини жалб этган.

Табиий иклими, географик шароитлари мамлакатимизнинг бошқа худудларидан кескин фарқ қилувчи, уч томонлама баланд тоғлар (шимол ва ғарбий томондан “Ҳисор” тоғ тизмалари давоми бўлган “Бойсун”, “Кўхитанг” тоғлари ва шарқ томондан “Боботоғ” тоғ тизмалари) билан берк ўралган, ўзига хос табиати ва ландшафтларига эга бўлган Сурхон воҳасида жойлашган Сурхондарё вилояти 1941 йил 6 мартда ташкил этилган бўлиб, майдони 20,1 минг км<sup>2</sup>, аҳолиси 2 552 000 киши. Вилоятда 13 та туман (Ангор, Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Музработ, Олтинсой, Сариосиё, Термиз, Узун, Шеробод, Шўрчи, Қизирик, Қумқўрғон), 8 та шаҳар, 114 та шаҳарча, 114 та қишлоқ фуқаролар йиғини, 865 та қишлоқ аҳоли манзилгоҳлари мавжуд. Аҳоли зичлиги вилоят бўйича 1 км<sup>2</sup> майдонга ўртача 126,9 кишига тўғри келади. Лекин туманлар ўртасида бу кўрсаткич бўйича катта фарқлар кузатилади. Масалан, Бойсунда-28, Деновда-468 кишини ташкил этади [17].

Сурхондарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг жанубий-шарқий қисмида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида, Сурхон-Шеробод водийсида жойлашиб, жанубий томондан Амударё бўйлаб Афғонистон Ислом Республикаси, шимол, шимолий-шарқ ва шарқ томонлардан Тожикистон Республикаси, жанубий-ғарб томондан Туркменистон давлати, шимолий-ғарбий томондан Қашқадарё вилояти билан чегараланади (мамлакатимизда фақат Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари 3 тадан давлатлар билан туташ жойлашган). Бундай сиёсий географик жойлашув, геосиёсий вазият Сурхондарё вилояти учун ҳар томонлама муҳим аҳамият касб этади.

**Рельефи ва иклимий хусусиятлари.** Сурхондарё вилоятининг рельефи асосан тоғ ва текисликлардан ташкил топган. Яъни вилоятнинг маркази ва жанубий қисми текисликдан, шимолий қисми эса Ҳисор тоғ тизмалари давоми бўлган Бойсунтоғ, Кўхитанг, Боботоғ тоғлари билан ўралган. Вилоят худудининг 9-10 минг км<sup>2</sup> майдони текислик, қир ва адирлардан иборат

бўлса, қолган 10-11 минг км<sup>2</sup> майдони денгиз сатҳидан 1500-4500 метргача баландлик ва ундан юқори бўлган тоғ ва тоғ тизмаларидан иборат. Вилоятнинг умумий ер майдони мамлакатимиз ер майдони ҳудудининг 4,56 фоизини ташкил этади. Тоғлар билан текисликлар орасида адир ва тоғолди зоналари жойлашган.

Сурхондарё вилояти иқлимнинг характерли хусусиятларидан бири шимолий зонада жойлашган тоғлар (Бойсунтоғ, Қўхитантоғ, Боботоғ) шимолдан келаётган совуқ ҳаво оқимини тўсиб туриши, бунинг натижасида эса кўпгина ўсимликлар, жумладан, субтропик экинларнинг ўсиши ва ривожланиши учун қулай иқлим шароити яратишидир.

Вилоят иқлими кескин континентал-субтропик ҳисобланиб, қиши қисқа, илиқ (айниқса, жанубий туманларда), ёзи узоқ ва иссиқ бўлиши билан характерланади. Бу вилоят рельефининг хилма-хиллиги ва бу хилма-хил ликнинг температура ҳолати ва йил давомидаги ёғинлар тақсимотиға кескин таъсири билан асосланади. Йиллик ўртача ҳарорат Шерободда 18°C, Термизда 17,4°C, Деновда 15,6°C, Бойсунда 14,5°C [25]. Июль ойининг ўртача ҳарорати текислик қисмида 28-32 °C. Бу ерда иссиқ кунлар эрта бошланиб, узоқ давом этади, йил давомида булутсиз кунлар кўп бўлади, бу эса қуёш нурининг тик тушиши самарали ҳароратлар йиғиндиси юқори бўлишиға сабаб бўлади. Ҳаво ҳарорати 10°C дан юқори бўлган кунлар текислик зоналарида 290-320 кун давом этади (бу жиҳатдан Республикада энг юқори кўрсаткич). Бу ҳолат эса вилоят ҳудудида (айниқса, жанубий қисмида) бир нечта тур иссиқсевар ўсимликлар, жумладан, шакарқамиш, чинлавр, пекан, зайтун, ингичка толали пахта ва кўпгина субтропик мевали дарахтларнинг ўсиши, ривожланиши учун қулай муҳит яратади.

Вилоятда ўртача йиллик ёғин миқдори жанубий зоналарда 130-150 мм., Деновда 360 мм., Бойсунда 445 мм., Сангардақда 780 мм. Йил давомида тушадиган ёғиннинг асосий қисми баҳор ва қиш фасллариға тўғри келади. Ҳавонинг нисбий намлиги январь ойида 80 фоизгача бўлса, июль ойида 30 фоизгача тушиб кетади. Ёғингарчилик энг кўп тушадиган фасл қиш ва баҳор ойлари ҳисобланади.

Вилоят ҳудудида шамолнинг ўртача тезлиги секундига 4,5 метргача, айрим кучли довулар пайтида секундига 25 метр ва ундан ортиқни ташкил этади [9].

Умуман олганда, Сурхондарё қулай агроиқлимий шароитларға эға вилоят ҳисобланади. Бу ерда ўсимликларнинг вегетация

даври узок, ижобий ҳароратлар йиғиндиси 5500-5900° ни ташкил этади [17]. Шу сабабли вилоятда турли хил иссиқсевар субтропик мевалар етиштирилади. Бу ерда анжир, анор, бодом, писта, ёнғоқ, узум, хурмо, лимон каби қимматли мевалар, ҳар хил сабзавотлар ва кўкатлар кўплаб эрта етиштирилиб, Республика маркази ва бошқа вилоятларга ҳамда чет мамлакатларга етказиб берилади.

**Сув таъминоти.** Сурхондарё воҳасининг энг йирик дарёлари Тўпалангарё, Сурхондарё, Шерободдарё, Хўжайпоқ дарёлари ҳисобланади. Бу дарёлар тоғлардаги қор ва музликлардан ҳамда ёғинлардан тўйинади ва улар вилоят ҳудудининг фақат шимолий қисмининг тоғ ва тоғолди зоналарини сув билан таъминлайди. Бу дарёлар вилоят хўжалиги ва аҳоли географиясини шакллантирувчи муҳим омил сифатида хизмат қилади. Улардан барпо этилган бир нечта каналлар ва сув омборлари (Учқизил, Жанубий Сурхон сув омборлари, Катта Ҳисор, Аму-Занг, Ҳазорбоғ ва бошқа каналлар) дан суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Тоғ ёнбағирларида лалмикор деҳқончилик, боғдорчилик ва узумчилик учун шароит кулай. Вилоят ҳудудида 320 дан ортиқ булоқлар рўйхатга олинган [24].

Вилоят қишлоқ хўжалиги муҳим ўрин тутадиган жанубий зоналарда доимий сув танқислиги мавжуд. Лекин кейинги йилларда бир нечта сув омборлари (Учқизил, Дегрез, Жанубий Сурхон, Тўпаланг), каналлар (Ҳазорбоғ, Кумкўрғон, Занг, Шеробод ва бошқалар), Жаркўрғон гидротугуни, Аму-Занг машина суғориш каналлари барпо этилиб, маданий экинларни суғоришдаги сув танқислигига барҳам берилган бўлса, иккинчидан, бу сув иншоотларининг бунёд этилиши вилоятнинг текислик зонасидаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳаёт тарзига, уларнинг кўпайишига, кенгрок тарқалишига сезиларли даражада ёрдам берди.

**Вилоят тупроқлари.** Воҳанинг текислик зоналарида тақирсимон ва шўрхоқ оч бўз тупроқлар учрайди, тоғ ёнбағирларида эса бир неча хил бўз тупроқлар, дарё қайирларида ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, тоғ олди ва тоғларда типик ва тўқ бўз, чимли ва оч кўнғир тупроқлар мавжуд [24].

**Ўсимликлар дунёси.** Вилоятнинг ўсимликлар дунёси унинг ўзига хос рельефи, сув тақсимоти, табиий шароити билан боғлиқ ҳолда шаклланган бўлиб, воҳа ҳудуди турли хил ўсимлик турларига бой ҳисобланади. Сурхондарёнинг ўсимликлар олами турлар таркиби бойлиги жиҳатидан Кавказ орти республикаларидан кейин иккинчи ўринда туради. Яъни, Республикамизда ўсадиган 4500

Ўсимлик турларидан 1646 та ёввойи ва маданий турлар вилоятимизда учраши, улардан 126 тури “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ўсимликлар эканлиги аниқланган [25].

Сурхондарё вилояти фармацевтика ресурсларига бой, яъни вилоят ҳудудида Республика доривор ўсимликларининг 35-40 фоизи ўсиши аниқланган. Улар асосан тоғ ва тоғолди ҳудудларда ўсади [17].

Умуман олганда, Сурхондарё вилоятининг табиий-иқлим шароити вилоятда халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш, воҳа аҳолисининг табиат неъматларидан етарлича фойдаланиш учун барча имкониятлар мавжуд. Вилоятимиз аҳолиси олдидаги энг асосий вазифа она табиат инъом этган ана шу имкониятлардан онгли равишда, табиат компонентларига зарар етказмасдан фойдаланиш, воҳамизнинг гўзал табиатини ва табиий бойликларини келажак авлодларга бус-бутун қолдиришдан иборат.

## **СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҲАЙВОНОТ ОЛАМИ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

Ҳайвонлар табиатдаги биологик ресурсларнинг ажралмас муҳим таркибий қисми бўлиб, моддалар ва энергия алмашинувида асосий ўрин тутлади. Ҳайвонлар маҳсулотлари инсонлар ҳаёти учун энг асосий озуқа манбаи, бундан ташқари, улардан олинадиган турли хомашёлар одамлар турмушида муҳим ўрин тутлади. Ҳайвонлар ўсимликлар билан бир қаторда одамлар учун эстетик завқ манбаи ҳамдир.

Ҳайвонларни муҳофаза қилиш, инсон эҳтиёжлари учун улардан оқилона фойдаланиш биосферадаги табиий мувозанатни сақлаб туришда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ҳар хил табиий шароитларда учрайдиган турли-туман ҳайвон турларига бой мамлакат ҳисобланади ва бу Ватанимиз табиатининг, қолаверса, миллий бойлигимизнинг ажралмас таркибий қисми ва бебаҳо бойлигидир. Бу бойлик эса аجدодларимиз томонидан бизга қолдирилган жуда катта хазинадир. Бизнинг олдимизда ана шу катта хазина ва улкан меросни келажак авлодларга бус-бутун, барқарор тизим кўринишида етказиб бериш вазифаси турибди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ҳудудида хилма-хил яшаш муҳитларида 15000 дан ортиқ умуртқасиз ҳайвонлар турлари, 84 тур балиқлар, 3 тур сувда ва қуруқликда яшовчилар, 60 тур судралиб юрувчилар, 441 тур қушлар, 105 тур сут эмизувчи ҳайвонлар учраши аниқланган [7; 27].

Ўзбекистон фаунасининг хилма-хил ва кўп турларга эга бўлишига асосий сабаблардан бири мамлакатимизнинг Ўрта Осиё минтақасидаги кўплаб биогеографик ўлкалар туташган ҳудудида жойлашганлигидир. Ўзбекистон ҳудудида кўплаб майдонларни эгаллаган кенг текисликлар, тоғ даштлари, ўрмонлар, яйловлар, тўқайзорлар, катта-кичик сув ҳавзалари, бундан ташқари, инсон қўли билан яратилган маданий ландшафтларнинг мавжудлиги хилма-хил фаунистик мажмуаларга эга экотизимлар шаклланишига ва Республика фаунасининг ранг-баранг бўлишига асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси фаунаси шаклланиши мураккаб генетик ришталар билан боғланган бўлиб, жуда қадимий тарихга эга. Бу ерда муайян фауна шаклланишида Турон ва Туркистон эндемик ҳамда автохтон турларининг ўрни ва аҳамияти катта. Бундан ташқари ўтмишда турли факторлар таъсирида мамлакатимиз

худудига Марказий Осиёдан, Ҳинди-Хитойдан, Ўрта Ер денгизи агрофларидан, Евросиё чўлларида турли ҳайвон гуруҳларининг кириб келиши муҳим аҳамиятга эга бўлган бўлса, фаунанинг бойишига Узоқ Шарқ, Кавказорти, Европа ва Америкадан турли хил ҳайвонларнинг олиб келиб иклимлаштирилиши ёки айрим ҳайвон турларининг тасодифан келиб қолиши ҳам асосий факторлардан ҳисобланади.

Жаҳон “Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи” (ТМХИ-IUCN) ташкилоти маълумотларига кўра, кейинги тўрт юз йил давомида сут эмизувчи ҳайвонларнинг 74 та тури, судралиб юривчиларнинг 21 та тури, қушларнинг 129 та тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 7 та тури, балиқларнинг 81 та та тури, моллюскаларнинг 291 та тури, қисқичбақасимонларнинг 8 та тури, ҳашаротларнинг 72 та тури, онихордаларнинг 3 та тури, турбелларияларнинг 1 та тури ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди. Ҳозирги вақтда эса энг аянчлиси 4465 та ҳайвон турлари ер юзидан мутлақо йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди [18].

Республикамыз “Қизил китоби” нинг 1983 йилдаги нашрига умуртқали ҳайвонларнинг 63 та тури киритилган. Мазкур китобнинг 2006 йилдаги нашрига эса 109 турдаги сони камайиб бораётган ноёб ҳайвон турлари киритилган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон фаунасида умуртқасиз ҳайвонларнинг 77 та тури, балиқларнинг 18 та тури, судралиб юривчиларнинг 16 та тури, қушларнинг 48 та тури, сут эмизувчиларнинг 25 та тури, ҳаммаси бўлиб 184 та ҳайвон тури “Ўзбекистон қизил китоби” (2009 йилдаги нашри) га киритилган. Демак, жуда қисқа фурсат ичида 75 та ҳайвон тури сони камайиб бораётган, дунё ва Ўзбекистон фаунасида йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги, бир сўз билан айтганда, муҳофазага муҳтож ҳайвон турлари деб рўйхатга олинган. Юқоридаги рақамларнинг таҳлили она табиатнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган ҳайвонот дунёси муҳофазасига бефарқ муносабатда бўлаётганлигимиз, уларни ҳимоя қилиш тадбирлари талаб даражасида ташкил қилинмаганлигидан дарак беради. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси бошқа табиат унсурлари қатори ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, ноёб турларни сақлаб қолиш бутун инсоният олдидаги энг асосий вазифалардан бири эканлигини англамоғи шарт ва бу ишда шахсий ҳиссасини қўшмоғи даркор.

Истиқлолимиз бунёдкори, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва сақлаб қолиш бугунги куннинг энг муҳим ва долзарб

масалаларидан бири эканлигини таъкидлаб, “Жонли табиатнинг бутун табиий генофондини маданий экинлар ва ҳайвонларнинг янги турларини кўпайтириш ҳисобига бошланғич база сифатида сақлаб қолиш керак” деб айтган сўзлари ҳайвонларга nisбатан онгли муносабатда бўлиш, уларни турли чекловчи факторлардан химоялашни давлат даражасидаги вазифа деб ҳисоблашга даъват этади.

Сурхондарё вилояти Ўзбекистон Республикасининг ўзига хос табиат мажмуаларига эга бўлган ҳудуди бўлиб, ушбу ҳудуд ҳайвонот дунёсининг қадимийлиги билан ажралиб туради. Ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳайвонларнинг баъзи турлари мазкур ҳудудда пайдо бўлган бўлса, айрим турлари бошқа ҳудудлардан ўтган.

Сурхондарёнинг ҳайвонот оламини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари ўтган асрнинг 30-40 йилларидан бошланган бўлиб, дастлаб вилоят ҳудудида учровчи умурткали ҳайвонларнинг турлар таркиби, турли биологик ва экологик хусусиятлари, яшаш муҳитларида тарқалиш хусусиятлари, инсон хўжалик фаолиятидаги аҳамияти каби жиҳатлари ўрганилди. Кашкаров Д.Н., Зоҳидов Т.З., Мекленбурцев Р.Н., Богданов О.П. каби олимлар вилоят ҳудудида яшовчи ҳайвонларнинг фаунаси, уларнинг биологик ва экологик хусусиятлари, репродукцияси, тарқалиш қонуниятлари, табиатдаги ва инсон ҳаётидаги ўрни тўғрисида тўлақонли илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Кейинроқ эса воҳа ҳудудидаги турли систематик гуруҳларга мансуб ҳайвонларнинг биоэкологик хусусиятлари тадқиқ қилинди ҳамда уларнинг паразит турларига қарши кураш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича тўлақонли тадқиқот ишлари олиб борилди. Жумладан Хуррамов Ш.Х., Мавлонов О.М., Қулмаматов А.Қ., Девонов М.Д., Тожиев Х.Т., Қулмаматов Э.Н., Тўраев Э.Т., Холиқназаров Б.О., Эшназаров К.Э., Тангиров Ҳ.Т., Ҳайтмуратов А.Ф., Кожевникова А.Г, Эшова Х.С., Ҳайдарова П.Б., Хуррамов А.Ш. ва бошқа олимлар томонидан Сурхондарё вилояти ҳудудида учровчи турли систематик гуруҳларга мансуб ҳайвонларни ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ва тадқиқотлар натижалари бўйича монографиялар, илмий-услубий қўлланмалар, тавсияномалар, кўплаб илмий мақола ва тезислар эълон қилинди. Ҳозирги вақтда воҳа ҳайвонот дунёсини ҳар томонлама тадқиқ қилиш давом этмоқда.

2008 йилда таниқли биолог олим, биология фанлари доктори, профессор Ш.Х.Хуррамовнинг бевосита ташаббуси ва таҳрири остида “Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси” номли монография

нашр қилинди. Бу асар вилоят ҳайвонот олами фаунаси, тарқалиши, биологик ва экологик хусусиятлари, муҳофазага муҳтож ҳайвон турларини сақлаб қолиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича яратилган муҳим фундаментал илмий манба ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Сурхондарё вилояти ҳудудида, турли яшаш муҳитларида содда ҳайвонларнинг 20 та тури, бўшлиғичлиларнинг 1 та тури, ясси чувалчангларнинг 59 та тури, одам ва ҳайвон гельминтларининг 84 та тури, ўсимлик гельминтларининг 391 та тури, ҳалқали чувалчангларнинг 4 та тури, моллюскаларнинг 40 та тури, қисқичбақасимонларнинг 8 та тури, ўргимчаксимонларнинг 17 та тури, ҳашаротларнинг 201 та тури, балиқларнинг 24 та тури, сувда ва қуруқликда яшовчиларнинг 3 та тури, судралиб юрувчиларнинг 39 та тури, қушларнинг 229 та тури, сут эмизувчиларнинг 39 та тури, ҳаммаси бўлиб, 1159 та ҳайвон тури ҳаёт кечириши аниқланган [18]. Сурхондарё ҳайвонот олами фаунистик комплексининг мазкур рўйхати мавжуд адабиётлар асосида вилоят зоолог олимлари томонидан бажарилган илк қузатишлар натижаларидир. Шу сабабли келажакда олиб бориладиган зоологик тадқиқотларда вилоят фаунаси турлар таркибида ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Чунки ҳайвонлар тирик мавжудот сифатида турли факторлар таъсирида ўз яшаш муҳитини, тарқалиш ареалларини ўзгартиришларини ҳисобга олишимиз керак.

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ТАРҚАЛГАН НОЁБ ҲАЙВОНЛАР

### УМУРТҚАСИЗ ҲАЙВОНЛАР

**Тип.** Ҳалқали чувалчанглар – Кольчатые червы – Annelida

**Синф.** Зулуқлар – Пиявки – Hirudinea

**Туркум.** Жағлилар – Челюстные – Arhynchobdellae

**Оила.** Жағли зулуқлар – Челюстные пиявки – Hirudinidae

**Авлод.** Зулуқ – Пиявка – Hirudo

**Тур.** *Тиббий зулуқ – Пиявка медицинская – Hirudo medicinalis Linnaeus, 1758* (1-расм).

Тиббий зулуқ сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган тур бўлиб, Сурхондарё вилояти худудида Амударё дарёси ҳавзаларининг пасттекисликларида жойлашган кичик сув ҳавзаларида ҳамда тоғ этакларида жойлашган, окмайдиган ёки суви секин оқадиган, туби лойқа ва тошлар билан қопланган саёз чучук сув ҳавзаларида учрайди. Илгари кўп учрар эди, кейинги йилларда уларнинг сони кескин камайиб кетди.

Тиббий зулуқлар эркин ҳолда бир неча йил умр кўради. Улар гермафродит организмлар ҳисобланиб, йилига 1-2 марта насл беради. Тухумларини пиллаларда қўяди. Қишда уйкуга кетади. Улар бақалар, баъзида сут эмизувчилар қонини сўриб, овқатланади. Тиббий зулуқлар сувнинг кимёвий ўзгаришига, яъни ифлосланишига жуда сезгир. Улардан баъзи бир касалликларни даволашда ва лабораторияларда турли тажрибаларни ўтказишда фойдаланилади.

Тиббий зулуқларнинг сони кескин камайиб кетишига биринчидан, инсон фаолияти натижасида уларнинг яшаш муҳити бўлган сув ҳавзаларида сув сатҳи кескин ўзгариши, иккинчидан, ўзанларнинг саноат чиқиндилари билан ифлосланиши сабаб бўлган.

Тиббий зулуқларни лаборатория шароитида осонлик билан кўпайтириш мумкин. Бу эса табиатда тиббий зулуқларнинг сонини камайиб кетмаслигига эришишда муҳимдир. Бундан ташқари уларни лаборатория шароитида кўп сонда кўпайтириб, турли касалликларни даволашда табиий, арзон ва зарарсиз восита сифатида фойдаланиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади.

Тиббий зулуқ ноёб ва муҳофазага муҳтож ҳайвон тури

сифатида ТМХИ (Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи) Қизил рўйхатига, СИТЕС (Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турларининг халқаро савдоси тўғрисидаги Конвенция) нинг II-Иловасига ҳамда “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган. Тиббий зулуклар учрайдиган сув ҳавзаларининг сув режимини назорат қилиш, уларнинг турли кимёвий, маиший чиқиндилар билан ифлосланишига йўл қўймаслик, улар яшаётган жойларда муҳофазани кучайтириш табиатда сони кескин камайиб бораётган мазкур ноёб ҳайвон турининг нафақат сонини сақлаб қолиш, балки кўпайтиришда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

**Тип.** Бўғимоёқлилар-Членистоногие-Arthropoda

**Синф.** Ҳашаротлар – Насекомые - Insecta

**Туркум.** Ниначилар – Стрекозы - Odonatoptera

**Оила.** Гомфидлар – Дедки – Gomphidae

**Авлод.** Анормогомфуслар - Анормогомфусы - Anormogomphus

**Тур.** *Кириченко ниначиси- Летодедка Кириченко – Anormogomphus kiritshenkoi Bartenev, 1913* (2-расм).

Кириченко ниначиси табиатан камёб, локал тарқалган тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Сурхон дарёсининг қуйи оқимида учраши аниқланган. Уларнинг учиши ва сувга тухум қўйиши июнь-июль ойларига тўғри келади. Ҳаёти сув билан боғлиқ бўлиб, личинкалик ва ривожланиш даври оқар сувларда 2 йилгача бўлган даврда ўтиши кузатилган. Улар майда бўғимоёқли ҳайвонлар билан овқатланади.

Кириченко ниначисининг камайиб кетишига асосий сабаб, кейинги йилларда турли сув иншоатлари кўплаб қурилиши ва мелиорация таъсирида дарёлар ўзанининг ўзгариши, бундан ташқари далаларда шўр ювиш ва суғориш оқибатидаги ташлама сувлар ҳисобига дарёларнинг ифлосланиши ҳисобланади. Кўпайтириш чоралари ишлаб чиқилмаган. Фақат уларнинг яшаш жойларида муҳофазани кучайтириш, сув ҳавзаларига ташлама сувларни камроқ тушириш билан ифлосланишдан сақлаш орқали сонини сақлаб қолиш, яъни муҳофазалаш мумкин.

Кириченко ниначиси ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Тангақанотлилар – Чешуекрылые - *Lepidoptera*

**Оила.** Оқишқанотлилар – Белянки – *Papilionidae*

**Авлод.** Оқишқанот – Белянка - *Pantia*

**Тур.** *Глауконома* – *Глауконома* – *Pantia glauconome Klug, 1829* (3-расм).

Глауконома йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, Боботоғ тоғидаги денгиз сатҳидан 400-1200 метр баландликда жойлашган Катта-Бисмил массиви ёнбағирларининг ялангланган гипс ва тошли тикка қисмларида учраши аниқланган. Сони жуда кам бўлиб, Боботоғ популяциясида мавсум давомида уларнинг 10-20 донаси учраши ҳамда сони йилдан-йилга камайиб бораётганлиги кузатилган.

Глаукономалар кўпайишининг аниқ чегараси йўқ, 5 тагача насл бериши аниқланган. Учиши ва тухум қўйиши март, апрель, май ойлари охири ва июлнинг бошида, баъзан август, сентябрда. Қуртлари қалампиргул ўсимлигида яшайди. Асосан тухумлари, ғумбаклари, шунингдек эрта баҳорда қўшимча озикланувчи куртлари қишлайди.

Хўжалик фаолияти таъсирида ва чорвачиликда яйловдан режасиз фойдаланиш натижасида глаукономалар асосий озуқа ўсимлигининг камайиши ва нобуд қилиниши мазкур ноёб тур ҳайвоннинг сони сезиларли даражада қисқаришига сабаб бўлган. Кўпайтириш чоралари кўрилмаган. Уларнинг яшаш жойларини муҳофаза қилишни кучайтириш, асосий озуқа ўсимлигини кўпайтириш орқали муҳофазалаш мумкин.

Мазкур ноёб тур “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Евхлое – Евхлое - *Euchloe*

**Тур.** *Томирис* – *Томирис* – *Euchloe tomiris Christoph, 1884* (4-расм).

Томирис йўқ бўлиб кетаётган, локал эндемик тур бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Боботоғ тоғидаги Катта-Бисмил массивида денгиз сатҳидан 400-700 м баландликда ўсимликлари жуда кам даштлашган гилли тик жарликларда учраши аниқланган. Уларнинг сони жуда кам бўлиб, Боботоғ тоғидаги популяциясида мавсум давомида 10-20 донаси учраши ҳамда сони йил сайини камайиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Томирислар бир йилда бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши март-апрель ойларида, курти мартнинг охиридан циматокарпус ўсимлигида яшайди. Гумбакка айланиши апрель-майда, гумбаги озуқа ўсимлигининг пастки қисмида, тупроқ ёки ўсимлик колдиклари орасида кишлайди.

Инсоннинг хўжалик фаолияти ва яйловлардан чорвачиликда режасиз фойдаланиш натижасида асосий озуқа ўсимлигининг нобуд қилиниши сабабли бу турнинг сони камайиб борган. Кўпайтириш чоралари кўрилмаган. Яшаш жойларини муҳофаза қилинишини кучайтириш билан асосий озуқа ўсимлигини нобуд қилинишини олдини олиш орқали ушбу ноёб тур хайвонни муҳофазалаш мумкин.

Томирис “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ноёб ва эндемик тур сифатида муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Ферузақанотлилар – Голубянки – *Lyscaenidae*

**Авлод.** Ферузақанот – Голубянка - *Gloucopsyche*

**Тур.** *Тўқай ферузақаноти – Голубянка тугайная – Gloucopsyche charibdis Staudinger, 1886* (5-расм).

Тўқай ферузақаноти сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган эндемик тур бўлиб, Сурхондарёнинг Какайди, Оққўрғон қишлоқлари ҳудудида текисликлардаги дарёлар қирғоқларидаги тўранғи тўқайлари ва уларнинг атрофларида, суғориш каналлари бўйларида ҳамда Жанубий Сурхон сув омбори ҳудудида аниқланган. Кейинги йилларда уларнинг сони кескин камайиб кетган. Биоэкологик хусусиятлари кам ўрганилган.

Тўқай ферузақаноти йилига бир марта насл беради. Уларнинг учиши ва тухум қўйиши апрель-май ойларига тўғри келади. Курти кизилмия ўсимлигида яшайди.

Кейинги йилларда инсон хўжалик фаолияти оқибатида бу ноёб турнинг яшаш муҳити, яъни тўқайларнинг йўқ қилиниши, бунинг натижасида эса уларнинг озуқа ўсимлигининг камайиб кетиши чекловчи фактор ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда бу турнинг яшаш жойлари, сони, яшаш тарзини мукамал ўрганиш орқали муҳофазалаш мумкин.

Тўқай ферузақаноти “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва ноёб тур сифатида муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Пиллакашлар-Коканопряды-Lasiocampidae

**Авлод.** Стреблате – Стреблате - Streblate

**Тур.** *Туранги пиллакаши* - Коканопряд туранговый - *Streblate fainae Gerasimov, 1931* (6-расм).

Туранги пиллакаши сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган, эндемик тур бўлиб, Сурхондарёнинг Денов шаҳри яқинидаги текислик дарёлари бўйларидаги туранги тўқайлари ва дарахтзорларида учраши аниқланган. Кейинги йилларда уларнинг сони жуда камайиб кетган.

Туранги пиллакаши бир йилда икки марта тўла, учинчисида қисман насл беради. Илк учиши ва тухум қўйиши - апрель-май, иккинчиси-июнь-июлда, учинчиси-август ойига тўғри келади. Курти май, июнь-августда туранги ўсимлигида ривожланади. Турангининг тана ва новдаларида пилла ичида ғумбакка айланади, кузги ғумбаклари қишлайди.

Инсон хўжалик фаолиятида тўқайларнинг кесиб ташланиши мазкур ноёб турнинг сони сезиларли даражада камайиб кетишига сабаб бўлган.

Туранги пиллакашининг яшаш жойлари, сонини мукаммал ўрганиш, яшаш жойларида уларнинг муҳофазасини кучайтириш лозим .

Мазкур ноёб тур “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Арвоҳқапалақлар – Бражники – Sphingidae

**Авлод.** Аморфа – Аморфа - Amorpha

**Тур.** *Туранги арвоҳқапалағи* – *Бражник туранговый* – *Laothoe philerema Djakonov, 1923* (7-расм).

Туранги арвоҳқапалағи сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган, эндемик тур бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри яқинидаги пасттекислик дарёлари бўйларидаги турангилли тўқай ва дарахтзорларда учраши аниқланган. Уларнинг сони кам бўлиб, кейинги йилларда сезиларли даражада камайиб кетган.

Туранги арвоҳқапалағи бир йилда 2 марта насл беради. Уларнинг биринчи учиши ва тухум қўйиши – апрель-май, иккинчиси – июль-август ойларида тўғри келади. Курти туранги ўсимлигида июнь ва август – сентябрь ойларида ривожланади, Тупроқнинг юқори қатламларида ғумбакка айланади, кузги ғум-

баклари қишлайди. Улар тўранғи ўсимлиги барглари билан овқатланади.

Инсон хўжалик фаолияти таъсирида мазкур ноёб турнинг асосий яшаш мухити ҳисобланган тўқайларнинг кесиб ташланиши улар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Тўранғи арвоҳқапалақларининг яшаш жойлари, сони, учраш даражаси ва бошқа биоэкологик хусусиятларини мукаммал ўрганиш, тизимли, илмий асосланган ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш орқали уларни муҳофазалаш мумкин.

Тўранғи арвоҳқапалағи ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

Авлод. Акосмерикс – Акосмерикс - *Acosmeryx*

Тур. *Ҳисор арвоҳқапалағи – Бражник гиссарский – Acosmeryx naga Moore, 1857* (8-расм).

Ҳисор арвоҳқапалағи табиатан камёб, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Тўпаланг, Сангардак дарёларига яқин ҳудудларда денгиз сатҳидан 1100-1600 м, баландликда, тоғ водийларнинг дарахт ва бутали чакалакзорларида учраши аниқланган. Сони кам бўлиб, бир марта тўла ва бир марта қисман насл беради. Биринчи учиши ва тухум қўйиши апрель-май, иккинчиси август-сентябрь ойларига тўғри келади. Қурглари ёввойи ток, баъзан эса маданий токзорларда июнь-июль ва сентябрь-октябрь ойларида ривожланади. Тупроқнинг юқори қатламида ўта нам жойларда ғумбакка айланади, ғумбакларнинг биринчи насли қисман ва иккинчи насли қишлайди.

Инсон фаолияти таъсирида дарахт ва буталарнинг кесиб ташланиши, ҳисор арвоҳқапалағининг асосий озуқа ўсимлиги йўқ қилиб ташланиши мазкур ноёб турнинг сони камайиб кетишига сабаб бўлган.

Ҳисор арвоҳқапалақларининг яшаш жойлари, сони, учраш даражаси ва бошқа биоэкологик хусусиятларини мукаммал ўрганиш билан уларни муҳофазалаш мумкин.

Ҳисор арвоҳқапалағи ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Доллинописис – Доллинописис - *Dollinopsis*

**Тур.** *Шумтол арвоҳқапалағи – Бразеник ясеневий – Dolbinopsis grisea Hampson, 1892* (9-расм).

Шумтол арвоҳқапалағи табиатан камёб, локал тарқалган тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Сангардақдарёнинг юқори қисмида, денгиз сатҳидан 1100-2100 метр баландликларда, ёнбағирлари кенг япроқли дарахтзор ва ўтлоқлар билан қопланган тоғ дараларида учраши аниқланган. Уларнинг сони кам бўлиб, йилига икки марта тўла ва бир марта қисман насл беради. Учиши ва тухум қўйиши май ойидан сентябргача. Куртлари Сўғд шумтолида бир ойча ривожланади. Соя ва нам жойларда тупроқнинг юқори қатламларида ғумбакка айланади. Кузги куртларининг ғумбаклари кишлайди.

Инсон фаолияти натижасида дарахт ва буталарнинг, айниқса шумтол арвоҳқапалағи учун асосий озука ўсимлиги ҳисобланган шумтол ўсимлигининг қирқиб ташланиши мазкур ноёб турнинг сони камайиб кетишига сабаб бўлган.

Шумтол арвоҳқапалақларининг яшаш жойларида уларнинг муҳофазасини кучайтириш, бундан ташқари, улар яшайдиган тоғ дараларида мавжуд бўлган табиий шумтолзорларни қўриқлаш билан, бу ноёб турни муҳофазалаш мумкин.

Шумтол арвоҳқапалағи ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Кокилдорлар- Хохлатки – *Notodontidae*

**Авлод.** Кокилдор – Хохлатка - *Notodonta*

**Тур.** *Тўқай кокилдори – Хохлатки тугайная – Paraglyphisia oxiana Djakonov, 1927* (10-расм).

Тўқай кокилдори сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган эндемик тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Сурхон дарёсининг қирғоқларида, хусусан, Термиз шаҳри яқинидаги текисликлардаги дарё бўйларида тўранғилли тўқай ва дарахтзорларда учраши аниқланган. Сони жуда кам бўлиб, узлуксиз камайиб бормоқда.

Тўқай кокилдорининг яшаш тарзи кам ўрганилган. Улар бир йилда 2-3 марта насл қолдиради. Учиши ва тухум қўйиши апрелнинг охиридан августнинг бошларигача давом этади. Куртчи ва озука ўсимлиги номаълум.

Инсонларнинг хўжалик фаолияти оқибатида дарёлар

бўйларидаги тўқайзорларнинг кесиб ташланиши бу ноёб жониворнинг сони жуда камайиб кетишига сабаб бўлган.

Тўқай кокилдорининг яшаш жойлари, сони, яшаш тарзи, яъни барча биоэкологик хусусиятларини мукамал ўрганиш орқали бу турни муҳофазалаш мумкин.

Тўқай кокилдори ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Пардақанотлилар – Перепончатокрылые - *Humenoptera*

**Оила.** Ерковлов арилар – Роющие осы – *Sphécidae*

**Авлод.** Хлорион – Хлорион - *Chlorion*

**Тур.** *Шоҳона хлорион* – *Хлорион царский* – *Chlorion regale F.Smith, 1873* (11-расм).

Шоҳона хлорион табиатан камёб, мозаик тарқалган реликт тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида текислик ва паст тоғлар, Жарқўрғон, Қумқўрғон туманларининг қум-туپроқли ва шағалли ҳудудларида учраши аниқланган. Уларнинг сони жуда кам, якка нусхалари учрайди.

Шоҳона хлорион бир йилда бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши апрель-июль ойларида, турли ўсимликларнинг гулларида, асосан юлғунда озиқланади. Урғочилари чириқдоқларни овлайди, уларни фалажлаб, ердаги инига жойлаштиради, сўнг улардан бирига тухумини қўяди.

Инсон хўжалик фаолияти таъсирида чўл зоналаридаги қўриқ ерларни режасиз ўзлаштириш, шудгорлаш, яйловлардан чорвачиликда ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш бу турнинг сони кескин камайишига сабаб бўлган.

Шоҳона хлорионнинг яшаш жойлари, сони, яшаш тарзи, яъни барча биоэкологик хусусиятларини мукамал ўрганиш орқали бу турни муҳофазалаш мумкин.

Муҳофазага муҳтож ушбу тур “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Лафирагогус – Лафирагогус - *Laphyragogus*

**Тур.** *Коль лафирагогуси* – *Лафирагогус Коля* – *Laphyragogus kohlii Bingham, 1896* (12-расм).

Коль лафирагогуси табиатан камёб, мозаик тарқалган тур

ҳисобланиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида чўллардаги, айниқса, Амударё ва Сурхондарё қайирларидаги қумли жойларда учраши аниқланган. Сони жуда кам бўлиб, якка нусхалари учрайди.

Коль лафирагогусининг яшаш тарзи кам ўрганилган. Улар йилига бир марта насл беради. Учиши ва тухум қўйиши июнь-август ойларига тўғри келади. Урғочилари тангақанотлиларни овлайди. Уларнинг бир нечасини инга йиғади. Инларини юмшоқ кумлок тупрокка қўяди.

Инсон хўжалик фаолияти натижасида чўл зонасидаги қўриқларнинг ҳисоб-китобсиз ўзлаштирилиши, хусусан, ҳайдаш, яйловлардан чорвачиликда режасиз ва ҳаддан ташқари қўл фойдаланиш, бу ноёб жониворларнинг сони кескин камайишига олиб келган.

Коль лафирагогусининг яшаш жойлари, сони, яшаш тарзини, барча биоэкологик хусусиятларини мукамал ўрганиш, бундан ташқари, улар яшаётган жойларда муҳофазани кучайтириш орқали бу ноёб турнинг сонини сақлаб қолиш мумкин.

Коль лафирагогуси ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоб” ига киритилган ва муҳофаза остига олинган.

## БАЛИҚЛАР

**Тип.** Хордалилар – Хордовые - Chordata

**Синф.** Суякли баликлар – Костные рыбы - Osteichthyes

**Туркум.** Бакрасимонлар – Осётрообразные - Acipenseriformes

**Оила.** Осётрлар (Бакралар) – Осетровые – Acipenseridae

**Авлод.** Осётр (бакра) – Осётр - Acipenser

**Тур.** *Орол баҳриси (бакра) – Шун – Acipenser nudiventris Lovetzky, 1828* (13-расм).

Орол баҳриси бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал таркалган реликт тур бўлиб, Амударёнинг куйи ва ўрта оқимларида ҳамда унга куйиладиган Шеробод ва Сурхон дарёлари ирмоқларида учраши аниқланган. 1970-1999 йиллар давомида уларнинг 267 донаси тутилган.

Бакралар яшаш тарзи жихатидан ўткинчи, гала бўлиб яшайдиган балик тури бўлиб, улар 10-12 ёшда жинсий вояга етади. Урчиши 2-3 йилда бир марта, дарёга ўтганидан (июль-август) сўнг, келаси йилнинг баҳорида юз беради. Серпуштлилиги- 200-1300 мингта увилдириқ атрофида. Улар одатда икки йилда бир марта урчийди. Орол баҳриси асосан моллюскалар (88-100 %), сувда яшовчи турли ҳашаротларнинг личинкалари, бўғимоёқлилар ва майда балиқлар билан овқатланади.

Бу ноёб жониворларнинг сони камайиб кетишига асосий сабаб, дарёлар оқимларининг сунъий равишда тартибланиши ва сувининг ифлосланиши оқибатида Орол денгизи сув сатҳининг пасайиши, сувининг шўрланиши ҳамда унга куйиладиган дарёларнинг табиий сув режимининг ўзгариши ҳисобланади. Бундан ташқари 1936-1937 йилларда балиқларнинг ёппасига касалликка чалиниши, уларнинг кўп миқдорда режасиз овланиши, браконьерлик ҳам бакра балиқларининг сони сезиларли даражада камайиб кетишига олиб келган.

Бакра балиғини кўпайтириш имкониятлари мавжуд бўлиб, уларни сунъий муҳитда кўпайтириш ва яшаш жойларида тизимли муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш уларнинг муҳофазасини таъминлайди.

Орол баҳриси ноёб ва ҳимояга муҳтож балиқ тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатида, СИТЕС нинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Сохта куракбурунлар – Лопатоносы – *Pseudoscaphirhynchus*

**Тур.** *Амударё кичик куракбуруни (тошбақра) – Малый амударьинский лопатонос – Pseudoscaphirhynchus hermanni Kessler, 1877 (14-расм).*

Амударё кичик куракбуруни бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган эндемик тур бўлиб, илгари Амударёнинг Термиздан токи энг этагигача бўлган қисмида яшаган. Ҳозир Амударёнинг Сурхондарё вилояти ҳудудидаги қисмида дарёнинг текис оқадиган, чуқурлиги 2-3 м, туби кумли ва лойли жойларида ҳамда Сурхон дарёсининг Амударёга қуйилиш жойида сақланиб қолган. 1964 йилдан кейин 63 донасигина (охиргилари 2002 йилда) тutilган.

Тошбақраларнинг яшаш тарзи етарлича ўрганилмаган. Дарёларда турғун ҳаёт кечирувчи балиқ тури бўлиб, урчиши апрель ойида. Улар асосан хашаротларнинг личинкалари билан овқатланади.

Мазкур ноёб турнинг сони камайиб кетишига олиб келувчи сабаб, асосан, Амударё оқимининг сунъий тартиблаштириш натижасида табиий сув режимининг ўзгариши, сув ифлосланиши, кўпайиш шароитининг ёмонлашиши, браконьерлик ҳисобланади.

Тошбақра балиқларини муҳофаза қилиш учун дарёларда сақланиб қолган балиқларни топиш, уларни кўпайтиришни ташкиллаштириш, ҳаёт тарзини мукамал ўрганиш, мазкур камёб жониворларнинг яшаш жойларида махсус, тизимли муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш лозим.

Амударё кичик куракбуруни ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган ва Сурхон кўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

**Тур.** *Амударё катта куракбуруни (қилқўйруқ) - Большой амударьинский лопатонос – Pseudoscaphirhynchus kaufmanni Bogdanow, 1874 (15-расм).*

Амударё катта куракбуруни бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган эндемик реликт тур бўлиб, илгари Амударёнинг бошидан то этагигача учрар эди. Ҳозирги вақтда Амударё хавзасининг Сурхондарё вилояти ҳудудидаги суви тез оқадиган қисмида, дарёнинг чуқурлиги 2-3 м, туби кум ва лойли жойларида

сақланиб қолган. 1964-2004 йиллар мобайнида 612 донаси тутилган.

Қилқуйрук балиғининг яшаш тарзи етарлича ўрганилмаган. Дарёларда турғун ҳаёт кечиради. 6-7 ёшда жинсий вояга етади. Урчиши март-апрель ойларида. Серпуштлилиги – 1,5-15 минг увилдирик атрофида. Улар асосан сув ҳашаротлари ва майда балиқлар билан овқатланади.

Мазкур ноёб тур балиқнинг сони камайиб кетишига асосий сабаб Амударё сув оқимининг сунъий тартибланиши натижасида табиий сув режимининг ўзгариши, сувнинг ифлосланиши, қўпайиш шароитларининг ёмонлашиши, браконьерлик (гўшти жуда мазали) ҳисобланади.

Сунъий шароитда қўпайтиришни йўлга қўйиш, яшаш жойларида махсус, тизимли ва қатъий муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш бу камёб, йўқолиб кетиш арафасида турган балиқ турини сақлаб қолишнинг асосий шартларидир.

Амударё катта куракбуруни ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕС нинг II- Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган. Сурхон қўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Карпсимонлар – Карпообразные - Cypriniformes  
**Оила.** Карплар (Зоғорабалиқлар) – Карповые – Cyprinidae  
**Авлод.** Оқчалар – Леци - Abramis

**Тур.** Қорақўз (оқ сазан) – Белоглазка – *Abramis sapa Pallas, 1811* (16-расм).

Қорақўз балиғи сони қисқариб бораётган, локал тарқалган тур бўлиб, Сурхондарё ҳудудида Амударёнинг ўрта оқимида, туби қумли ва тошлоқ жойларида учраши аниқланган. Уларнинг сони кам бўлиб, охириги ўн йиллар мобайнида сезиларли даражада қисқариб кетган.

Оқ сазан яшаш тарзи жиҳатидан ярим ўткинчи балиқ ҳисобланади. У 3-4 ёшда жинсий вояга етади. Урчиши мартнинг охири – майнинг бошларида. Серпуштлилиги дарёларда 5-10 минг, қўл ва сув омборларида 30 минг увилдирик атрофида. Улар асосан сув ҳашаротларининг личинкалари, қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва ўсимликлар уруғлари билан овқатланади.

Қорақўз балиғининг сони камайиб кетишига Орол денгизи сатҳининг пасайиши ва сувининг шўрланиши, дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши ва сувининг камайиши, унинг ифлосланиши,



бундан ташқари, яшаш ва кўпайиш шароитларининг ёмонлашиши сабаб бўлган.

Мазкур ноёб турнинг яшаш жойларида муҳофазани кучайтириш орқали уларнинг сонини сақлаб қолиш яъни муҳофазалаш мумкин.

Қоракўз балиги ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Окқайроқлар – Жерехи - *Aspius*

**Тур.** *Чўртансифат окқайроқ (калбалиқ, чўртанмарка) – Щуковидный жерех (лысач) – Aspiolucius esocinus Kessler, 1874* (17-расм).

Чўртансифат окқайроқ йўқ бўлиб кетаётган, локал таркалган Туркистон эндемик тури бўлиб, Сурхондарё ҳудудида Амударёнинг ўрта оқимдан ҳамда уларнинг айрим ирмоқларида, Сурхон ва Шеробод дарёларида сувнинг чуқурлиги 2-3 метр, туби қумли ва тошлоқ жойларида учраши аниқланган. Уларнинг сони илгари ҳамма яшаш жойларида кўп бўлган, сўнгги ўн йилликлар мобайнида кескин камайиб кетди.

Чўртансифат окқайроқ яшаш тарзи жиҳатидан йиртқич дарё балиғи ҳисобланиб, улар 6-7 ёшида жинсий вояга етади. Урчиши февраль–март ойларига тўғри келади. Серпуштлилиги – 22-190 минг увилдирик атрофида. Улар турли балиқлар билан овқатланади.

Бу ноёб турнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб, улар яшайдиган дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши оқибатида табиий сув режимининг ўзгариши, сувнинг ифлосланиши, кўпайиш шароитларининг ёмонлашуви ва браконьерлик ҳисобланади. Уларни кўпайтириш чоралари кўрилмаган. Лекин Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

Чўртансифат окқайроқлар сонини сақлаб қолиш учун мазкур камёб турни кўпайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, уларнинг яшаш жойларида тизимли, қатъий муҳофазани йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Чўртансифат окқайроқ ноёб балиқ тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

Авлод. Мўйловли балиқ – Усач - *Barbus*

Тур. Орол мўйлабдори (сўгён, сўзанбалиқ) – *Аральский усач – Barbus brachycephalus Kessler, 1872* (18-расм).

Орол мўйлабдори йўк бўлиб кетаётган, локал тарқалган Орол эндемик кенжа тури бўлиб, Амударёнинг ўрта оқимларида, дарёнинг чуқурлиги 2-4 м, туби кумли ва тошлоқ бўлган жойларида учраши аниқланган. Улар лойқа оқар сувларда, камдан-кам холларда оқмас сув ҳавзаларида яшайди. Орол мўйлабдорининг сони илгари барча жойларда кўп бўлган, кейинги ўн йиллар мобайнида кескин камайган.

Орол мўйлабдори яшаш тарзи жиҳатидан ўткинчи балиқ бўлиб, 7-8 ёшида жинсий вояга етади. Урчиши апрель ойининг охирларидан то августгача давом этади. Серпуштлилиги - 180-900 минг увилдирик атрофида. Улар сув ўтлари, ҳашаротларнинг личинкалари, моллюскалар, баъзан балиқлар, бундан ташқари турли ўсимликларнинг мева ва уруғлари билан овқатланади.

Орол мўйлабдорининг сони кескин камайиб кетишига улар яшайдиган дарё оқимининг сунъий тартибланиши натижасида Орол денгизи ҳамда унга қуйиладиган дарёларнинг табиий сув режимининг ўзгариши, яъни мазкур дарёларнинг сувининг шўрланиши, сув сатҳининг пасайиши, сувнинг ифлосланиши, буларнинг оқибатида эса кўпайиш шароитларининг ёмонлашуви ва браконьерлик сабаб бўлган.

Мазкур ноёб тури сақлаб қолиш учун уларни кўпайтириш чора тадбирларини ишлаб чиқиш, яшаш жойларида тизимли, қатъий, махсус муҳофазани йўлга қўйиш ва назоратини кучайтириш талаб этилади.

Орол мўйлабдори муҳофазага муҳтож балиқ тури сифатида рўйхатга олинган ва уни овлаш таъқиқланган. Мазкур тур “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза қилинади.

Тур. Туркистон мўйлабдори (шимбалиқ) – *Туркестанский усач – Barbus capito Gueldenstaedt, 1773* (19-расм).

Туркистон мўйлабдори сони қисқариб бораётган Орол эндемик кенжа тури бўлиб, илгари Орол денгизи ва унга қуйиладиган дарёларнинг қуйи оқимларида яшаган. Ҳозирги вақтда вилоятимиз худудида Сурхондарёнинг ўрта оқимларида дарёнинг чуқурлиги

2-3 метр, туби кумли-тошли ёки кумли-шағалли жойларида ҳамда Учқизил, Жанубий Сурхон сув омборларида учраши аниқланган. Уларнинг сони илгари барча яшаш жойларида кўп бўлган, кейинги ўн йилликлар мобайнида эса кескин камайиб кетган.

Туркистон мўйлабдори яшаш тарзи жиҳатидан турғун ҳаёт кечирувчи балиқ тури бўлиб, улар 4-5 ёшда жинсий вояга етади. Урчиши май-июнь ойларига тўғри келади. Серпуштлилиги - 12-129 минг увилдириқ атрофида. Улар сув ҳашаротларининг личинкалари, сув ўтлари ва турли жониворларнинг чириётган қолдиқлари билан овқатланади.

Бу камёб турнинг камайишига улар яшайдиган дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши натижасида табиий сув режимининг ўзгариши, сувнинг ифлосланиши, буларнинг оқибатида эса кўпайиш шароитларининг ёмонлашуви, бундан ташқари турли иқлимлаштирилган балиқлар рақобати ва браконьерлик сабаб бўлган.

Туркистон мўйлабдорининг яшаш жойларида уларни кўпайтириш чораларини ишлаб чиқиш, тизимли, махсус муҳофаза тартибини жорий қилиш орқали муҳофаза қилиш мумкин.

Туркистон мўйлабдори ноёб балиқ тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уни овлаш таъқиқланган ва Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Паррақлар – Остролучки - *Сапоетобрама*

**Тур.** *Орол парраги (наштарқанот) – Аральская остролучка – Сапоетобрама kuschakewitschi Kessler, 1872 (20-расм).*

Паррақ, яъни наштарқанот балиғи сони қисқариб бораётган, Туркистон эндемик реликт тури ҳисобланиб, Амударёнинг юқори қисмидан то этагигача, бундан ташқари вилоятимиз ҳудудида Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи оқимидаги сув ҳавзаларида, дарёнинг чуқурлиги 1-2 метр, туби кумли ва тошлоқ жойларида, лойқа оқар сувларда яшаши аниқланган. Улар айрим жойларда ва кам сонда учрайди.

Паррақлар кам сонли галалар ҳосил қилиб яшовчи дарё балиғидир. Улар 3-4 ёшда жинсий вояга етади. Урчиши апрель-июнь ойларида. Серпуштлилиги 1,75-42,3 минг увилдириқ атрофида. Паррақлар турли жониворларнинг чириётган қолдиқлари ва балчиқ билан овқатланади.

Паррақлар сонининг кескин камайишига уларнинг асосий яшаш муҳити ҳисобланган дарёлар оқимининг сунъий тартиб-

ланиши натижасида табиий сув режимининг ўзгариши, сувининг ифлосланиши, буларнинг оқибатида эса кўпайиш шароитларининг ёмонлашуви, бундан ташқари дарёлардаги келгинди баликлар рақобати сабаб бўлган.

Бу ноёб баликлар сонини сақлаб қолиш учун улар яшайдиган жойларда муҳофазани кучайтириш ҳамда сув ҳавзаларидаги маҳаллий тур балиқлар билан келгинди ёки иқлимлаштирилган балиқ турлари ўртасидаги муносабатларнинг ижобий, салбий жиҳатларини илмий асосда ўрганиш талаб этилади.

Паррак балиғи муҳофазага муҳтож тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган бўлиб, Сурхон давлат қўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Эшвойлар – Вьюновые – Cobitidae

**Авлод.** Тиканбалиқлар – Шиповка - Cobitis

**Тур.** *Орол тиканаги – Аральская щиповка – Sabanejewia aurata Filippi, 1865* (21-расм).

Орол тиканаги Орол эндемик кенжа тури бўлиб, Амударёнинг юқори оқимидан қуйи қисмигача бўлган ҳавзаларида, Тўпаланг, Сангардак дарёларида, дарё ва кўлларнинг саёз кўлтиклари, булоқларда, уларнинг туби қумли-балчиқли жойларида учраши аниқланган. Уларнинг сони илгари бутун яшаш жойларида кўп бўлган. Сўнгги ўн йиллар мобайнида мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидаги каби вилоятимиздаги улар учрайдиган сув ҳавзаларида уларнинг сони сезиларли даражада камайиб бораётганлиги қайд этилмоқда.

Орол тиканаги дарёлар тубида яшайдиган, баъзида дарё остидаги қумга қўмилиб оладиган балиқ тури. Улар икки ёшда жинсий вояга етади. Урчиши апрель-июнь ойларига тўғри келади. Серпуштлилиги - 240-1850 увилдирик атрофида. Улар дарё тубидаги майда умуртқасизлар, сув ўтлари, турли жониворларнинг чириётган қолдиқлари билан овқатланади.

Бу ноёб жониворларнинг сони камайиб кетишига улар яшайдиган дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши натижасида табиий сув режимининг ўзгариши, сувнинг ифлосланиши, бундан ташқари келгинди балиқлар рақобати сабаб бўлган.

Орол тиканаклари сонини сақлаб қолиш учун уларнинг яшаш жойларида муҳофазани кучайтириш ва мониторинг олиб бориш керак бўлади.

Орол тиканаги ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Лаққасимонлар – Сомообразные - Siluriformes

**Оила.** Тоғ лаққачалари – Горносомиковые - Sisoridae

**Авлод.** Лаққача – Сомик - Glyptosternum

**Тур.** *Туркистон лаққачаси –Туркестанский сомик – Glyptosternum reticulatum Mc Clelland, 1842* (22-расм).

Туркистон лаққачаси сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган тоғли Осиё эндемик тури бўлиб, вилоятимиз ҳудудида Шерободдарё, Сурхондарё дарёларининг юқори оқимларида ҳамда Сангардак, Тўпаланг, Хўжаипок дарёларининг тоғ ва тоғ олди қисмларидаги туби тошлок, тез оқар жойларида учрайди. “Сурхон” давлат кўриқхонаси ҳудудидаги Тангидевол сойининг ўрта қисмида учраши аниқланган. 2015 йил май ойида Хатак қишлоғи яқинида 2 дона қармоқ билан бир соат давомида ушланган 32 дона балиқнинг 2 донаси мазкур тур вакили эканлиги қайд этилган [22]. Уларнинг сони илгари барча яшаш жойларида кўп бўлган, кейинги ўн йиллар ичида кескин камайиб кетган.

Туркистон лаққачаси яшаш тарзи жиҳатидан сув тубида яшовчи, тунлари фаоллашадиган балиқ тури бўлиб, кўп вақтини ҳаракатсизликда ўтказди. Улар 3-4 ёшда, тана узунлиги 9-11 см ва вазни 15-20 г бўлганда жинсий вояга етади. Урчиши июнь-июль ойларида. Серпуштлилиги - 120-880 увилдириқ атрофида. Улар дарё сувида яшовчи турли ҳашаротларнинг личинкалари, баъзан эса майда балиқлар билан овқатланади.

Бу камёб балиқ турининг сони кескин камайиб кетишига улар яшайдиган дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши натижасида табиий сув режимининг ўзгариши, сувнинг ифлосланиши, селлар, рекреацион фаолияти, ноқонуний овлаш ҳамда келгинди балиқлар рақобати сабаб бўлган.

Туркистон лаққачасининг сонини сақлаб қолиш учун бу ноёб балиқнинг яшаш жойларида тизимли, махсус, қатъий муҳофаза тартибини ташкиллаштириш ҳамда мазкур тур тарқалган ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш керак.

Туркистон лаққачасини овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Сулаймонбалиқсимонлар – Лососеобразные – Salmoniformes

**Оила.** Сулаймонбалиқлар (Лосослар) – Лососевые – Salmonidae

**Авлод.** Лосос – Лосос – Salmo

**Тур.** *Амударё гулбалиғи* – *Амударьинская форель* – *Salmo trutta Linnaeus, 1758* (23-расм).

Амударё гулбалиғи сони қисқариб бораётган, Амударё эндемик реликт кенжа тури бўлиб, вилоятимиз худудида Амударёнинг юқори қисми ҳамда Сурхондарё, Сангардак, Тўпаланг дарёлари ҳавзасида, дарёларнинг тез оқадиган, суви совук ва туби тош-шағалли жойларида учрайди. Уларнинг сони илғари кўп бўлган, кейинги ўн йилликлар мобайнида кескин камайган.

Яшаш тарзи жиҳатидан Амударё гулбалиғи тоғ дарёлари балиғи ҳисобланиб, улар 3-4 ёшида жинсий вояга етади. Урчиши сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади. Серпуштлилиғи -160-3000 увилдириқ атрофида. Улар асосан сув ҳашаротларининг личинкалари, моллюскалар, йириклари эса балиқлар билан овқатланади.

Амударё гулбалиғининг кейинги ўн йилликлар давомида кескин камайиб кетишига улар яшайдиган дарёлар оқимининг сунъий тартибланиши натижасида табиий сув режимининг ўзгариши ва унинг ифлосланиши, рекреацион фаолият, браконьерлик сабаб бўлган.

Бу ноёб балиқ турининг сонини сақлаб қолиш учун яшаш жойларида муҳофазани кучайтириш лозим. Амударё гулбалиғини кўпайтириш имкони мавжуд. Жумладан, Сангардак ва Тўпаланг дарёларининг юқори қисмида (Айғиркўл) сув қўриқхонасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Амударё гулбалиғи ноёб балиқ тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га қиритилган ва муҳофаза остига олинган.

## СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАР

**Тип.** Хордалилар – Хордовые - Chordata

**Синф.** Судралиб юрувчилар – Пресмыкающиеся - Reptilia

**Туркум.** Тангачалилар – Чешуйчатые - Squamata

**Оила.** Гекконлар – Гекконовые – Gekkonidae

**Авлод.** Геккончалар – Геккончики - Alsophylax

**Тур.** *Силлиқ гекконча* – *Гладкий геккончик* – *Alsophylax laevis Nikolsky, 1907* (24-расм).

Силлиқ гекконча сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган, эндемик тур бўлиб, вилоятимизнинг жанубий ҳудудларида, жумладан, Ангор ва Музработ туманларида, кумли ва тупроқли чўллар чегарасидаги сийрак ўт-бутали тақирларда, хусусан, Қорасувнинг тақир ерлардан иборат бўлган соҳилларида учрайди. Ҳозирги вақтда уларнинг сони кескин камайиб кетган. Кўпгина яшаш жойларида эса бутунлай йўқ бўлиб кетган ноёб тур ҳисобланади.

Силлиқ геккончалар март-октябрь ойларида тунлари фаол, кундузи эса тупроқдаги ёриқларга, ўз инига ёки турли ҳашаротлар ва бошқа калтакесакларнинг уяларига беркинади ва шу жойларда қишлайди. Жуфтлашиши март-апрель ойларига тўғри келади. Май-июнь ойларида 1-2 марта битта, баъзида иккита тухум қўяди. Болалари июлда чиқади ва бир қишлов ўтгандан кейин жинсий вояга етади. Улар турли майда ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар билан овқатланади.

Маданий экинзорларни кўпайтириш мақсадида чўл зоналарида силлиқ геккончаларнинг асосий яшаш муҳити саналган кўриқ ерларнинг зўр бериб ўзлаштирилиши бу камёб жониворларнинг ареали торайиб, сонининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Ҳозирги вақтда турли ҳудудларда сақланиб қолган силлиқ геккончалар популяциясини топиш, индивидлар сонини аниқлаш, ана шу яшаш жойларида уларнинг қатъий муҳофазасини жорий қилиш орқали бу ноёб жониворларни сақлаб қолиш мумкин.

Силлиқ геккончалар ноёб судралиб юрувчи ҳайвон тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофазати олинган.

**Оила.** Асл калтакесаклар – Настоящие ящерицы – Lacertidae  
**Авлод.** Калтакесакчалар – Ящурки - Eremias

**Тур.** Қора кўзчали калтакесакча – Черноглазчатая ящурка  
 – *Eremias nigrocellata Nikolsky, 1896* (25-расм).

Қора кўзчали калтакесакча сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган тур бўлиб, вилоятимизнинг жанубий ҳудудлари, хусусан, Термиз, Музработ, Ангор, Жарқўрғон туманлари ҳудудида чўлларнинг қаттиқ тақирсимон, шағалли, соғ тупроқли ва ўсимликлари сийрак шўрхоқ ерларида учрайди. Уларнинг сони 1980-йилларда локал популяцияларда бир гектар майдонда 2-3 донагача ҳисобга олинар эди, ҳозирги вақтда эса уларнинг сони кескин камайиб кетган. Мутахассисларнинг кузатувларига кўра, 2007 йил апрелда Боботоғ адирларида ҳар гектар ерда уларнинг сони 4 тагача эканлиги қайд этилган.

Қора кўзчали калтакесаклар феврал-ноябр ойлари давомида фаол ҳаёт кечиради. Улар ўз инида ёки турли ҳашаротлар ва кемирувчилар уяларида яшайди ва ўша ерда қишлайди. Жуфтлашиши март ойига тўғри келади. Бир йилда 2-3 марта, яъни апрель-июнь ойларида 4-9 тадан тухум қўяди. Болалари май-июль ойларида тухумни ёриб чиқади ва кейинги йилнинг баҳорида жинсий вояга етади. Бу калтакесаклар турли майда ҳашаротлар, кўпоёқлилар ва ўргимчаксимонлар билан овқатланади.

Инсон фаолияти таъсирида кўриқ ерларнинг ҳисобсиз ўзлаштирилиши, айниқса, шудгорлаш, суғориш ҳамда чорва молларининг режасиз боқилиши бу ноёб жониворларнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Турли яшаш жойларида сақланиб қолган қора кўзчали калтакесакларнинг локал популяцияларини топиш ва индивидлар сонини аниқлаш, уларнинг яшаш аниқланган ҳудудларда қатъий муҳофаза тартибини жорий этиш орқали уларнинг муҳофазасини таъминлаш мумкин.

Қора кўзчали калтакесак ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Эчкемарлар – Варановые – Varanidae

**Авлод.** Эчкемарлар – Вараны - Varanus

**Тур.** Бўз эчкемар – Серый варан – *Varanus griseus Daudin, 1803* (26А, 26Б-расмлар).

Бўз эчкемар сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Шеробод, Бойсун,

Олтинсой, Музработ туманларининг тоғ олди (денгиз сатҳидан 1000 метргача бўлган баландликларда) ва чўлнинг қумли ва тупроқли ерларида, дарё воҳаларида ва Термиз атрофида учраши аниқланган. “Сурхон” давлат кўриқхонасининг Вандоб бўлими ҳудудида учрайди. 2014 йилги санок даврида уларнинг 12-14 бош эканлиги аниқланган [21;22]. Ўзбекистонда учрайдиган энг йирик калтакесак ҳисобланади.

1970 йилларда бўз эчкемарнинг локал популяцияларида ҳар гектарда 3-4 та индивид кайд этилар эди. 1990 йилларнинг бошларида уларнинг умумий сони 45 мингга яқин бўлган. Ҳозирги вақтда эса уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Бўз эчкемарлар апрел-октябр ойларида фаол ҳаёт кечиради. Улар катта қумсичқон ва тулкиларнинг ташлаб кетган уяларида беркинади ва ўша жойда қишлайди. Жуфтлашиши май-июнь ойларида. Июнь-июлда 6-20 та тухум қўяди ва тухумдан чиққан болалари 3 ёшдан ошгандан сўнг жинсий вояга етади. Бўз эчкемарлар турли хил ҳашаротлар, қўнғизлар, чигирткалар, судралиб юривчилар (аксарият ёш тошбақалар ва калтакесаклар, илонлар), қушлар ва уларнинг тухумлари, кемирувчилар ҳамда майда сут эмизувчилар билан овқатланади. Баъзан заҳарли илонларни ҳам ютиб юборади. Унинг ошқозонидан қўлвор илон ва хатто кобралар ҳам топилган [11].

Инсон фаолияти натижасида чўл зоналарида кўрик ерларнинг ҳисобсиз ўзлаштирилиши (хусусан, шудгорлаш ва суғориш), бўз эчкемарларнинг одамлар томонидан таъкиб қилиниши ва махсус овланиши (чунки унинг терисидан сумкачалар, камарлар ва бошқа нарсалар тайёрланган), йўлларда автотранспортлар таъсирида нобуд бўлиши бу ноёб жониворларнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Бўз эчкемар ноёб ва сони камайиб бораётган ҳайвон тури сифатида СИТЕС нинг 1-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Сувилонлар – Ужовые – Colubridae

**Авлод.** Бойгалар – Бойги - Voiga

**Тур.** *Ҳинд бойгаси – Индийская (Черноголовая) бойга – Voiga trigonatum Schneider, 1802* (27-расм).

Ҳинд бойгаси табиатан камёб, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, вилоятимизнинг жанубида, хусусан, Шеробод, Музработ, Термиз, Ангор туманлари ҳудудидаги қум ва тупроқли чўллар, жар

ва ўнгириллар, тоғларнинг пастки қисмларидаги сийрак ўт-бутали тошли қияликларда, далалар ва эски турар жойларда ҳамда Термиз атрофидаги текисликларда учрайди.

Ҳинд бойгалари апрел-октябр ойларида тунлари фаол ҳаёт кечиради, кундузлари эса тупроқ ёриқларида, тошлар тагида, жарликлардаги қушлар уясида ёки кемирувчилар инида жон сақлайди ва томларда тез ўрмалайди. Жуфтлашиши тахминан май ойига тўғри келади. Июнь-июлда 3-11 та тухум қўяди ва болалари сентябрь-октябрда тухумдан чиқади. Улар турли калтакесаклар, майда қушлар ва уларнинг болалари билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида ерларнинг режасиз ўзлаштирилиши оқибатида Ҳинд бойгасининг яшаш тарзида юзага келган турли хил ноқулайликлар уларнинг сони кескин даражада камайиб кетишига сабаб бўлган.

Ҳинд бойгаларини муҳофаза қилиш чоралари ишлаб чиқилмаган. Лекин ноёб тур сифатида рўйхатга олинган ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган.

**Авлод.** Бўритишлар – Волкозубы - *Lycodon*

**Тур.** *Кўндаланг йўлли бўритиш илон – Поперечнополо- сатый волкозуб – Lycodon striatus Cshaw, 1802* (28-расм).

Кўндаланг йўлли бўритиш илон табиатан камёб, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, вилоятимизнинг жанубий зоналарида, хусусан, Ангор, Термиз, Музработ, Жарқўрғон, Шеробод туманлари ҳудудида соғ-тупроқли ва тошли қир-адирлар, сийрак ярим чўл ўсимликлари билан қопланган паст тоғларда кам сонда учраши аниқланган.

Бу илон тури апрель-октябрь ойлари давомида тунлари фаол ҳаёт кечиради. Кундузлари эса тупроқ ёриқларида, тошлар остида, эски пахса деворлар қавагида, кемирувчилар инларида беркинади ва шу жойларда қишлайди. Жуфтлашиши тахминан май ойига тўғри келади ва июнь-июлда 2-5 та тухум қўяди. Улар майда калтакесаклар билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида уларнинг яшаш тарзида вужудга келган ноқулайликлар бу илон турининг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Кўндаланг йўлли бўритиш илон Сурхондарё вилояти ҳудудида учровчи ноёб ҳайвон тури сифатида рўйхатга олинган ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда “Сурхон” давлат

кўриқхонасида муҳофаза остига олинган. Қатъий муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

**Авлод.** Литоринхлар – Литоринх - *Lythorhynchus*

**Тур.** *Афғон литоринхи – Афганский литоринх – Lythorhynchus ridgewayi Boulenger, 1887* (29-расм).

Афғон литоринхи табиатан камёб, локал тарқалган тур бўлиб, вилоятимиздаги Кўҳитанг тоғи, Термиз тумани ҳудудида ва Шеробод атрофидаги денгиз сатҳидан баландлиги 2000 метргача бўлган текислик ва тоғ этакларининг кумли ва тупроқ-шағалли қисмлари, қолдиқ тепаликлар, ботиқларнинг жарликлари, қуриган дарё ўзанларида учраши аниқланган. Барча яшаш жойларида уларнинг сони кам бўлиб, Ўзбекистонда, хусусан Сурхондарёда ҳам санокли индивидлари қайд этилган.

Афғон литоринхлари мартдан октябргача тунлари фаол ҳаёт кечиради. Қундузи тупроқ ёриқларида, тошлар остида, кемирувчилар, калтакесаклар инида, чумолилар уяларида беркинади ва ин қуради. Июнь-июлда 3-4 та тухум қўяди. 2 йилда жинсий вояга етади. Майда калтакесаклар ва уларнинг тухумлари билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида ерларнинг режасиз ўзлаштирилиши оқибатида бу илон турининг сони кескин камайиб кетган.

Афғон литоринхи ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Аспидлар – Аспидовые – *Elapidae*

**Авлод.** Кўзойнакли илонлар – Кобры - *Naja*

**Тур.** *Ўрта Осиё кобраси (капча илон, кўзойнакли илон) –*

*Среднеазиатская кобра – Naja oxiana Eichwald, 1831* (30А,

30Б-расмлар).

Ўрта Осиё кобраси мозаик тарқалган тур бўлиб, вилоятимизнинг Олтинсой, Узун, Денов, Қумкўрғон, Қизирик, Бойсун, Шеробод, Шўрчи туманларининг шағалли-тупроқли адирларида, тоғлар (асосан денгиз сатҳидан 2000 метр баландликда бўлган ҳудудларда), дарё қайирлари ва воҳаларда, баъзан, чўл ва ярим чўлларда учраши аниқланган. “Сурхон” давлат кўриқхонасининг деярли барча ҳудудларида учрайди.

2014 йил баҳорги санок даврида кўриқхона ҳудудида уларнинг 50-55 бош эканлиги аниқланган бўлса, 2015 йил баҳорги санок даврида 37-40 бош учратилган [21;22]. Ўзбекистонда асосан, Сурхондарё вилояти ҳудудида кўпроқ учрайди [11]. Кузатишлар натижасида аникланишича, уларнинг сони 1980 йилларда вилоятимиз ҳудудидаги Боботоғ этакларида 1,5 гектар майдонда 1 дона учраганлиги, ўртача зичлиги эса 1 км<sup>2</sup> майдонда 0,5-5 тани ташкил этганлиги қайд этилган. Ҳозирги вақтда эса барча яшаш жойларида ҳам уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Капча илонлар март-октябрь ойларида, айниқса, ёзда тунлари фаол ҳаёт кечиради, кундузлари эса тупроқ ёриклари, тошларнинг ости, кемирувчилар ва тошбақалар инларига беркинади ва шу жойларда қишлайди. Жуфтлашиши май ойига тўғри келади. Июль ойида эса 6-19 тагача тухум қўяди ва болалари сентябрда тухумдан чиқади. 3-4 ёшда жинсий вояга етади. Улар судралиб юрувчилар, бақалар, баъзан эса майда қуш ва сут эмизувчилар билан овқатланади.

Барча яшаш жойларида ҳам инсон фаолияти натижасида ерларнинг режасиз ўзлаштирилиши ҳамда одамлар томонидан аёвсизларча таъқиб қилиниши бу илон турининг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Капча илонларнинг сонини сақлаб қолиш, кўпайтириш имкониятлари мавжуд. Чунки урғочисининг табиатда уруғлан-тирилган тухумлари инкубация даврини муваффақиятли ўтайди, иккинчидан, серпентария шароитига яхши мослашади.

Ўрта Осиё кобраси ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕС нинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Республикамизнинг бир нечта кўриқхоналари каторида Сурхон давлат кўриқхонасида ҳам муҳофаза остига олинган.

## Қ У Ш Л А Р

**Тип.** Хордалилар – Хордовые - Chordata

**Синф.** Қушлар – Птицы - Aves

**Туркум.** Сақоқушсимонлар – Пеликанообразные - Pelecaniformes

**Оила.** Сақоқушлар – Пеликановые – Pelecanidae

**Авлод.** Бирқозон – Пеликан - Pelecanus

**Тур.** *Пушти сақоқуш – Розовый пеликан – Pelecanus onocrotalus Linnaeus, 1758* (31-расм).

Пушти сақоқуш сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Сурхон-Шеробод воҳасидаги дарёларда, кўлларда, сув омборларида қишлайди. 1960-йилларда Республикамиз ҳудудидаги йирик текислик сув ҳавзаларида, айниқса, Жанубий Оролбўйида учраши одатий ҳол ҳисобланган бўлса, охирги ўн йилликлар мобайнида уларнинг сони кескин камайиб кетганлиги қайд этилмоқда.

Пушти сақоқушларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Улар қамишли тўқайларда колония бўлиб уялайди, апрель-май ойларида 2-3 та тухум қўяди ва тухумларини 39-40 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-августда уча бошлайди. Уялашдан сўнг, яъни август-сентябрь ойларида кўчади. Кузги учиб ўтиши сентябрь-ноябрда, қишлаши эса ноябрдан февралгача давом этади. Пушти сақоқушлар балиқлар билан овқатланади.

Охирги ўн йилликлар давомида инсон фаолияти натижасида Орол денгизи ҳавзасида сув режимининг ўзгариши оқибатида пушти сақоқушлар яшаш жойларининг емирилиши, колонияларининг вайрон қилиниши, браконьерлик бу ноёб қуш турининг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Пушти сақоқушларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб қуш тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва уялаш жойларида, кўчиш, учиб ўтиш ва қишлаш даврларида муҳофаза остига олинган.

**Тур.** *Жингалак сақоқуш (жингалакли бирқозон) – Қудрявый пеликан – Pelecanus crispus Bruch, 1832* (32А, 32Б-расмлар).

Жингалак сақоқуш сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Сурхон – Шеробод воҳасидаги сув ҳавзаларида

учиб ўтиш ва кишлаш даврларида учрайди. Жанубий Сурхон сув омборида кам сонда учраши қайд этилган. Амударё қирғоқлари ва соҳилларидаги қалин қамишзорларга уя куради. Жанубий Оролбўйида 1960 йилларда жингалак сақоқушларнинг учраши одатий ҳол эди. Лекин кейинги ўн йилликларда уларнинг сони камайиб кетган.

Жингалак сақоқушларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Улар кичкина гала бўлиб ёки якка-якка ҳолда учиб ўтади. Қамишли тўқайларда колония бўлиб уялайди. Апрель-майда 2-3 та тухум кўяди ва тухумларини 30-40 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-августда уча бошлайди. Жўжалари 3-4 йилда жинсий вояга етади. Уялашдан сўнг, яъни август-сентябрда кўчади. Уларнинг кузги учиб ўтиши сентябрь-ноябрь ойларига тўғри келади, қишлаши эса ноябрдан февралгача давом этади. Жингалак сақоқушлар балиқлар билан овқатланади.

Жингалак сақоқушларнинг сони кескин камайиб кетишига инсон фаолияти натижасида Орол денгизи ҳавзасида сув режимининг ўзгариши билан яшаш жойларининг емирилиши, колонияларининг вайрон бўлиши ва браконьерлик сабаб бўлган.

Жингалак сақоқушлар ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатида, СИТЕС нинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, уялаш, кўчиш, учиб ўтиш ва қишлаш жойларида муҳофазага олинган. Қатъий муҳофазага мухтож қуш тури ҳисобланади.

**Оила.** Қоравойлар – Баклановые – Phalacrocoracidae

**Авлод.** Қоравой – Баклан - Phalacrocorax

**Тур.** *Қорабузов (кичик қоравой) – Малый баклан – Phalacrocorax pygmaeus Pallas, 1773* (33А, 33Б-расмлар).

Қорабузов учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, вилоятнинг текисликлардаги сув ҳавзалари, сув омборлари, кўллар, зовурлар ва Амударёнинг қамишзор, сув босган бутазорларида колония бўлиб яшайди ҳамда шу ерларда қишлаб қолади. Улар одатда якка-якка ёки жуфт-жуфт бўлиб яшайди, фақат кузда кичик галалар ҳосил қилади.

Қорабузовлар илгари Орол денгизидagi оролларда уялаган, ҳозирда эса у ерларда уяламайди. Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида янги жойларни ўзлаштириб, бу ерларда уларнинг 10-12 минг жуфти уялаши аниқланган. Бу эса дунё популяциясининг 30-35 % ини ташкил этади. 10 мингга яқини шу жойларда қишлайди.

Қорабузовларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Улар қамишзор, сув босган бутазорларда колония бўлиб уялайди, апрель-май ойларида 4-6 та тухум қўяди ва тухумларини 27-30 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши октябрда, қишлаши эса октябрдан мартгача давом этади. Улар асосан майда балиқлар билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида Орол денгизи ҳавзаларида сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши қорабузовлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Қорабузовлар ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, уялаш, учиб ўтиш ва қишлаш жойларида муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Лайлаксимонлар – Аистообразные – Ciconiiformes

**Оила.** Лайлаклар – Аистовые – Ciconiidae

**Авлод.** Лайлак – Аист – Ciconia

**Тур.** *Туркистон оқ лайлаги – Туркестанский белый аист – Ciconia ciconia Linnaeus, 1758* (34А, 34Б-расмлар).

Туркистон оқ лайлаги учиб ўтувчи турнинг Туркистон кенжа тури ҳисобланиб, Амударё, Сурхон дарёларининг водийларида, Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида, воҳаларда, суғориладиган майдонлар, ботқоқликлар, дарё бўйларида уялаш ва қисман қишлаш даврларида учраши аниқланган. “Сурхон” давлат қўриқхонасида асосан, учиб ўтиш даврида қайд этилган (3-5 индивид) [21].

1960-1980 йилларда оқ лайлакнинг Республикамизнинг марказий ва жанубий – ғарбий ҳудудларида учраши одатий ҳол бўлган бўлса, ҳозирги вақтда эса фақат шарқий популяцияларигина сақланиб қолган.

Туркистон оқ лайлагининг баҳорги учиб ўтиши февраль-март ойларига тўғри келади. Улар баланд дарахтларга, электр ўтказиш тизмаси таянчларида колония бўлиб уялайди. Апрель-май ойларида тухум қўяди (3-5 та) ва тухумларини 32-34 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши август-сентябрь ойларига тўғри келади ва қишлаш учун Африка ва Ҳиндистон каби иссиқ томонларга катта гала бўлиб учиб кетади. Оқ лайлаклар майда балиқлар, қурбақалар, судраллиб юрувчилар ва сувда яшовчи турли хилдаги умуртқасиз ҳайвонлар

билан овқатланади. Кузатишлар натижасида маълум бўлишича, Сурхондарё вилоятида оқ лайлаклар июль ойларида деярли фақат чигирткалар билан овқатланади [11].

Туркистон оқ лайлакларининг сони кескин камайиб кетишига текисликлардаги дарёлар сув режимининг ўзгариши ва намли ерларнинг қуритилиши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши сабаб бўлган.

Туркистон оқ лайлакларини овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Тур. Қора лайлак – Чёрный аист – *Ciconia nigra* Linnaeus, 1758 (35А, 35Б-расмлар).**

Қора лайлак табиатан камёб, учиб ўтувчи куш тури бўлиб, Сурхондарё вилоятининг жанубий, яъни Термиз, Ангор, Музработ туманлари ҳудудидаги текисликлардаги сув ҳавзаларида ҳамда Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида учиб ўтиш даврида учрайди ва шу ҳудудларда қишлаб қолиши аниқланган. “Сурхон” давлат қўриқхонасида ўтроқ ҳолда учраб, асосан, қўриқхонанинг Тангидевол, Оролтоғ, Шалконтоғ ҳудудларида учрайди. Уларнинг сони қўриқхона ҳудудида 9-10 бошни ташкил этади. Тангидевол дараси ва Оролтоғ ҳудудида қора лайлакларнинг инлари қайд этилган [21].

Қора лайлак табиатан камёб тур бўлиб, сони ҳамма вақт кам бўлган. Уларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-март ойларига тўғри келади. Қоялар ва жарликларда уялайди. Апрель-майда 2-5 та тухум қўяди ва 32-38 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июль ойларида уя бошлайди. Уларнинг кузги учиб ўтиши август-сентябрь ойларига тўғри келади. Қора лайлаклар асосан, майда балиқлар, қурбақалар, судралиб юривчилар ва турли хилдаги умуртқасиз ҳайвонлар билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида тоғли ҳудудларнинг ўзлаштирилиши, уялаш жойларида безовта қилиниши қора лайлаклар сонининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Қора лайлак ноёб тур сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Ибислар – Ибисовые – Threskiornithidae

**Авлод.** Қошиқбурун – Колпица - Platalea

**Тур.** *Қошиқбурун – Колпица – Platalea leucorodia Linnaeus, 1758* (36А, 36Б-расмлар).

Қошиқбурун сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи қуш тури ҳисобланиб, Сурхондарё вилоятининг Термиз, Жарқўрғон, Қумқўрғон, Ангор туманлари ҳудудида текисликлардаги сув ҳавзаларида, қамишзор, тўқай, қўл ва дарёларнинг қуйилиш жойларидаги саёзликларда учрайди.

Қошиқбурунларнинг жанубий Оролбўйида 1950 йилларда учраши одатий ҳол бўлган. Лекин кейинги ўн йилликлар давомида сони кескин камайиб кетган ва ҳатто айрим яшаш жойларида бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Қошиқбурунларнинг баҳорги учиб ўтиши апрель-май ойларига тўғри келади. Қамишзор, сув босган бутазорларда бошқа қўтон турлари билан колония бўлиб уялайди. Уясини қамишлар орасига, баъзан тол каби дарахтлар устига колония бўлиб ясайди. Май-июнда 3-5 та тухум қўяди ва тухумларини 21-25 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши август-сентябрь ойларига тўғри келади ва қишлаш учун Африка ва Ҳиндистон томонларга учиб кетади. Қошиқбурунлар майда балиқлар, қурбақалар ва сувда яшовчи турли умуртқасиз ҳайвонлар билан овқатланади.

Охирги ўн йилликлар мобайнида инсон фаолияти натижасида Орол денгизи ҳавзаси сув режимининг ўзгариши қошиқбурунлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Қошиқбурунларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб ҳайвон тури сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Қоровой – Каравайка - Plegadis

**Тур.** *Қоровой – Каравайка – Plegadis falcinellus Linnaeus, 1766* (37А, 37Б-расмлар).

Қоровой космополит турнинг сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи номинал тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Амударё қирғоқлари, Шеробод дарёсининг ўрта оқимлари, Термиз, Музработ туманларидаги қамишзорли саёз сув ҳавзалари, шопипояларда, зовурларда учиб ўтиш даврида учраши аниқланган.

Қоровойларнинг 1960 йилларда Жанубий Оролбўйида учраши одатий ҳол ҳисобланган бўлса, кейинги ўн йилликлар мобайнида сони кескин камайиб кетган. Кўпгина яшаш жойларида эса йўқ бўлиб кетган.

Қоровойларнинг баҳорги учиб ўтиши апрель-май ойларига тўғри келади. Улар қамишзорлар, сув босган бутазорларда бошқа қўтон турлари билан колония бўлиб уялайди. Май-июнда 3-6 тагача тухум қўяди ва 21 кун босиб ётади. Полапонлари июнда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши июл-сентябрда. Қоровойлар майда балиқлар, бақалар, сувда яшовчи турли умуртқасизлар билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида Оролбўйи сув ҳавзаларида сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши қоровойлар сонининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Қоровой ноёб қуш тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган ва муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Қизилғозсимонлар – Фламингообразные – Phoenicopteriformes

**Оила.** Қизилғозлар – Фламинговые – Phoenicopteridae

**Авлод.** Қизилғоз – Фламинго - Phoenicopterus

**Тур.** Қизилғоз – Фламинго – *Phoenicopterus roseus Pallas, 1811* (38А, 38Б-расмлар).

Қизилғоз табиатан камёб, учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Амударё соҳилларидаги сув ҳавзаларида, ботқоқлашган қирғоқларда учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Кўпинча 10-15 та қушдан иборат галаларда, бир неча ўнтадан бир неча юзтасигача учиб ўтиши кузатилган.

Қизилғозларнинг баҳорги учиб ўтиши март-май ойларига, кузги учиб ўтиши эса август-октябрь ойларига тўғри келади. Қишлаш учун Каспий денгизининг жанубий қирғоқларига учиб кетади. Улар катта колония ҳосил қилиб, ҳар қайсиси лойдан конус шаклида 60 см баландликда уя солади. Урғочиси уянинг устидаги чуқурчага 1-2 дона, баъзида 3 дона тухум солиб, узун оёқларини уянинг икки томонидан осилтириб, тухумни босиб ўтиради. Улар сувда яшовчи турли умуртқасиз ҳайвонлар, яъни бақа, сув шиллиқлари, қисқичбақасимонлар, моллюскалар ва сув ўсимликлари билан овқатланади.

Қизилғозларнинг сони кескин камайиб кетишига инсон фаолияти натижасида Оролбўйи сув ҳавзалари сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши ҳамда браконьерлик сабаб бўлган.

Қизилғозларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб қуш тури сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Гозсимонлар – Гусеобразные - Anseriformes

**Оила.** Ўрдақлар – Утиные – Anatidae

**Авлод.** Окқуш – Лебедь - Cygnus

**Тур.** *Вишилдоқ окқуш – Лебед шунун – Cygnus olor S.G.Gmelin, 1789 (39-расм).*

Вишилдоқ окқуш учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Амударё ҳавзаларидаги турли ташлама сув кўллари ва сув омборларида учраши аниқланган. Вишилдоқ окқуш ҳозирги вақтда сезиларди даражада камайиб бораётган қуш турларидан бири ҳисобланади.

Вишилдоқ окқушларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-март ойларига тўғри келади. Улар қалқиб юривчи қамиш қопламларда уялайди, май ойида 3-9 тагача тухум қўяди ва 35 кун босиб ётади. Полапонлари август-сентябрь ойларида уча бошлайди. Уларнинг кузги учиб ўтиши октябрда, қишлаши эса ноябрдан-февралгача. Вишилдоқ окқушлар асосан ҳар хил сув ўсимликлари, майда умуртқасиз ҳайвонлар, майда балиқлар, бақалар билан овқатланади.

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида Оролбўйи сув ҳавзалари сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши ва браконьерлик, бундан ташқари, уларни одамлар томонидан зийнат учун боғ, паркларда сақлаш мақсадида ҳамда гўшти ва пари учун овланиши вишилдоқ окқушларнинг сони кескин камайишига сабаб бўлган.

Вишилдоқ окқушларни овлаш таъқиқланган бўлиб, улар ноёб қуш тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Тур.** *Қийқирдоқ окқуш – Лебедь-кликун – Cygnus cygnus Linnaeus, 1758 (40-расм).*

Қийқирдоқ окқуш табиатан камёб, учиб ўтувчи қуш тури

бўлиб, вилоятимиз ҳудудида жанубий Сурхон сув омборининг ўсимликлар ғуж бўлиб ўсган жойларида учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлиб, кейинги ўн йилликлар давомида сони янада камайиб кетган.

Қийкирдок окқушларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-апрель, кузги учиб ўтиши эса октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Қишлаши декабрдан февралгача. Улар турли сув ўтлари, умуртқасиз ҳайвонлар билан овқатланади.

Қийкирдок окқушлар сонининг кескин камайиб кетишига инсон фаолияти натижасида Орол денгизи сув ҳавзасида сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши, бундан ташқари, уларни одамлар томонидан зийнат учун боғ ва паркларда сақлаш мақсадида ҳамда ғўшти ва пари учун овланиши сабаб бўлган.

Қийкирдок окқушларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ҳимояга муҳтож тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Авлод. Ғоз – Гусь - Anser**

**Тур. Оқ пешонали кичик ғоз – Гусь-пескулька – *Anser erythropus Linnaeus, 1758* (41A, 41B-расмлар).**

Оқ пешонали кичик ғоз табиатан камёб, учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Сурхон дарёси ўзанларида, қирғоқбўйи ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган йирик сув ҳавзаларида, жумладан, Жанубий Сурхон сув омборида, кўллар ва дарёларнинг соҳилларида учиб ўтиш ва қишлаш даврида учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган, яъни табиатан камёб қуш тури ҳисобланади. Кейинги йилларда сони сезиларли даражада камайиб кетди.

Оқ пешонали кичик ғозларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-апрель ойларига, кузги учиб ўтиши эса октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Қишлаш учун Миср, Эрон, Ҳиндистонга учиб кетади. Қишлаши декабрдан февралгача. Уяларини буталар орасига, сувга яқин бўлган тоғ қояларига ясайди. 4-8 донагача тухум қўяди. Улар сув ва қирғоқбўйи ўсимликлари билан овқатланади, баъзида эса бошоқли дон экинлари экилган далааларга ҳам кириб туради.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида инсон фаолияти натижасида Орол денгизи ҳавзаси сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши ҳамда одамлар томонидан ғўшти,

пари ва патлари учун ов қилиниши оқ пешонали кичик ғозлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Оқ пешонали кичик ғозларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Казаркалар – Казарки – *Rufibrenta*

**Тур.** *Қизилтомоқ ғоз – Краснозобая казарка – Rufibrenta ruficollis Pallas, 1769* (42-расм).

Қизилтомоқ ғоз табиатан камёб, учиб ўтувчи куш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Жанубий Сурхон ва Оқтепа сув омборининг сув ва қирғоқбўйи ўсимликлари ғуж бўлиб ўсган чуқур жойларида учрайди. Сони ҳамма вақт кам бўлган.

Қизилтомоқ ғозларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-март, кузги учиб ўтиши эса ноябрь ойига тўғри келади. Улар уяларини ерга куради. 4-7 дона тухум қўяди. Асосан сув ва қирғоқбўйи ўсимликлари билан овқатланади, баъзида бошоқли дон экинлари экиладиган майдонларга ҳам кириб туради.

Инсон фаолияти натижасида Орол денгизи ҳавзаси сув режимининг ўзгариши оқибатида қизилтомоқ ғозлар яшаш жойларининг йўқотилиши бу ноёб ва табиатан камёб куш турининг сони янада кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Қизилтомоқ ғозларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган. Қатъий муҳофазага муҳтож ҳайвон тури ҳисобланади.

**Авлод.** Дарё ўрдаги – Речная утка - *Anas*

**Тур.** *Мармар чуррак – Мраморный чирок – Anas angustirostris Menetries, 1832* (43-расм).

Мармар чуррак йўқ бўлиб кетаётган, учиб ўтувчи куш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Жанубий Сурхон сув омборида, Амударё сохилларида, Сурхон дарёсининг қуйи оқимида, шунингдек қўллар ва зовурларнинг сув ва қирғоқбўйи ўсимликлари яхши ўсган жойларида қишлоқ даврида учрайди. Амударё ҳавзаларида ўтган асрнинг 60-йилларида кўп учрар эди, кейинги ўн йилликлар давомида эса уларнинг сони кескин камайиб кетди, кўпчилик яшаш жойларида эса бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Мармар чурракларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-март ойларига, кузги учиб ўтиши эса октябрь ойига тўғри келади. Уясини ерга, ўсимликлар остига ясайди. Май ойида тухум қўяди (9-15 та) ва тухумларини 25-27 кун босиб ётади. Полапонлари августда уча бошлайди. Улар турли сув ўтлари ва умуртқасиз ҳайвонлар (майда моллюскалар, товонтешар қўнғизлар, майда чивинлар, булоқчилар, ниначиларнинг личинкалари) билан овқатланади, баъзида шолизорларга ҳам кириб туради.

Кейинги йилларда Амударё ва Сирдарё ҳавзаларидаги сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши ҳамда браконьерлик мармар чурраклар сонининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Мармар чурракларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб ва йўқолиб кетаётган тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Баликчи ўрдак – Нырок - *Aythya*

**Тур.** *Олақанот оққўз – Белоглазый нырок (Белоглазая чернеть) – Aythya nyroca Gueldenstaedt, 1770* (44-расм).

Олақанот оққўз учиб ўтувчи куш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти худудида фақат Амударё яқинидаги қўлларда, хусусан, сув ўсимликлари (қамиш, қиёқ ва бошқ.) ғуж бўлиб ўсган жойларида учиб ўтиш даврида учрайди. Ўтган асрнинг 60 йилларида Амударё ҳавзаларида уларнинг учраши одатий ҳол саналган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Олақанот оққўзларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-март ойларига тўғри келади. Улар қирғоқ бўйидаги қамишзорларда ерга ин куради. Май-июнь ойларида тухум қўяди (6-12 та). Тухумларини 24-25 кун босиб ётади. Полапонлари август-сентябрь ойларида уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади. Қишлаши ноябрдан февралгача. Улар асосан, сув ўсимликлари ва сувда яшовчи умуртқасиз ҳайвонлар (ниначиларнинг личинкалари, айрим моллюскалар ва бошқ.) билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг йўқотилиши ҳамда браконьерлик олақанот оққўзлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Олақанот оққўзлар ноёб хайвон тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Лочинсимонлар – Соколообразные - Falconiformes

**Оила.** Сувқийғирлар – Скопиные – Pandionidae

**Авлод.** Сувқийғир – Скопа - Pandion

**Тур.** *Сувқийғир – Скопа – Pandion haliaetus Linnaeus, 1758*  
(45А, 45Б-расмлар).

Сувқийғир табиатан камёб, учиб ўтувчи номинал кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида текисликлардаги ва тоғ этакларидаги суви тиниқ ҳавзалар, яъни, сув омборлари, қўллар, дарё бўйларида қишлоқ ва учиб ўтиш даврида учрайди. Табиатда бу қуш ўзининг икки хил ранги билан – орқа томонидаги тўқ қўнғир ва қорин томонидаги оқ ранги билан ажралиб туради. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Бир неча юзтаси яқка ҳолда ва кичик гала бўлиб учиб ўтади.

Сувқийғирларнинг баҳорги учиб ўтиши март-май ойларига тўғри келади. Улар турли дарахт ва симёгочлар устига ин қуради. Май-июнь ойларида 2-3 та тухум қўяди ва 25 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июль ойларида уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши август-октябрь ойларига тўғри келади. Сувқийғирлар балиқлар билан овқатланади.

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида сув режимининг ўзгариши оқибатида сувқийғирлар яшаш жойларининг емирилиши, бундан ташқари, электр узатиш тизимларида уларнинг қўплаб нобуд бўлиши бу ноёб қуш турининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Сувқийғирларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Қарчиғайлар – Ястребиные – Accipitidae

**Авлод.** Сувбургут – Орлан - Haliaeetus

**Тур.** *Узун думли сувбургут – Орлан-долгохвост – Haliaeetus leucoryphus Pallas, 1771* (46-расм).

Узун думли сувбургут йўқ бўлиб кетаётган, учиб ўтувчи тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Амударё ҳавзасида учиб ўтиши

ва кишлаш даврида учрайди. Ўтган асрнинг 60 йилларида бир неча ўн донаси учраган бўлса, ҳозирги вақтда санокли индивидлари, яъни факат учиб ўтувчи ва кишловчи зотлари учраши аниқланган.

Узун думли сувбургутларнинг баҳорги учиб ўтиши март-май, кўчиб ўтиши июнь-август, кузги учиб ўтиши сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади. Кишлаши ноябрдан февралгача. Узун думли сувбургутлар сувда сузувчи қушлар (ўрдақлар, ғозлар, қашқалдоқлар ва бошқ.), балиқлар (сазан, плотва, мўйловдор балиқ ва бошқ.), кемирувчилар (юмронқозик) ва ўлаксалар билан овқатланади.

Узун думли сувбургутлар сонининг кескин камайиб кетишига кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида Орол хавзасида сув режимининг ўзгариши оқибатида уларнинг яшаш жойларининг йўқотилиши ҳамда браконьерлик сабаб бўлган.

Узун думли сувбургутларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган. Мазкур қуш тури дунё фаунасидан йўқолиб кетиш арафасида турган ноёб тур ҳисобланади ва қатъий муҳофаза чораларини жорий этишни тақозо этади.

**Тур. Оқ думли сувбургут – Орлан белохвост – *Haliaeetus albicilla Linnaeus, 1758* (47-расм).**

Оқ думли сувбургут табиатан камёб, учиб ўчувчи номинал кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Жанубий Сурхон сув омбори ва Амударё қирғоқларида қишлаш, учиб ўтиш даврида учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт ҳам бўлган. Якка ҳолда, жуфт ва гуруҳ бўлиб учиб ўтади.

Оқ думли сувбургутларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-март ойларига тўғри келади. Қояларда ва сув бўйидаги баланд дарахтларга ин қуради. Март-апрелда тухум қўяди (1-3 та) ва тухумларини 35-40 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади. Қишлаши ноябрдан февралгача. Улар асосан, балиқлар, майда сут эмизувчилар (юмронқозик, дала сичқонлари, куён, ондатра ва бошқ.), қушлар (ўрдақ, ғоз, қашқалдоқ, турна, каклик, булдуруқ ва бошқ.), баъзида эса ўлаксалар билан овқатланади [15].

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида Орол хавзасида сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг

йўқотилиши ҳамда браконьерлик оқ думли сувбургутлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Оқ думли сувбургутлар қатъий муҳофазага муҳтож тур бўлиб, дунё ва Ўзбекистон фаунасидаги ноёб қуш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, мамлакатимизнинг бир нечта буюртмаҳоналарида муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Болтаютар - Бородач - *Gypaetus*

**Тур.** *Болтаютар – Бородач – Gypaetus barbatus Linnaeus, 1758* (48А, 48Б-расмлар).

Болтаютар табиатан камёб, ўтроқ, локал тарқалган тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Кўҳитанг, Боботоғ тоғларида уялаш даврида учрайди. Бойсун тумани ҳудудидаги денгиз сатҳидан баландлиги 1000-4000 метр бўлган Мачай, Қизилнавр, Кентала қишлоқлари ҳудудида ўтроқ ҳолда учрайди. Кўҳитанг тоғида 5-6, Боботоғда 5 жуфти уялаши қайд этилган. “Сурхон” давлат қўриқхонаси ҳудудида уларнинг сони 50-55 бошни ташкил этади. Қўриқхонанинг Олтиқунлик, Тангидевол, Даройигул, Совукбулок дараларида болтаютарларнинг инлари қайд этилган [21; 22].

Болтаютарлар қояларда ин куради. Декабрь-февраль ойларида тухум қўяди (1-2 та) ва тухумларини анча кўп муддат, яъни 55-60 кун босиб ётади. Полапонлари май-июнь ойларида уча бошлайди, кўчиши номунтазам. Болтаютарлар асосан туёқли ҳайвонларнинг суяклари, ўлаксалар баъзида майда қушлар ва кемирувчилар билан овқатланади\*.

Кейинги йилларда табиатда ёввойи туёқли ҳайвонларнинг камайиб кетиши болтаютарлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Болтаютарлар муҳофазага муҳтож қуш тури ҳисобланиб, ноёб ҳайвон сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган ва тоғ қўриқхоналари, миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

\*Бойсун туманидаги Қизилнавр қишлоғида яшовчи маҳаллий аҳоли вакиллари билан суҳбатлашганимизда бу қуш, яъни болтаютар дала-даштларда ётган суякларни олиб, баландликка кўтариб кетиб, уни тошлар устига ташлаб юбориб, майдалаб синдириб еганлигини кузатишганликларини гапириб бердилар.

Авлод. Кумой – Сип - Gyps

Тур. *Оқ бошли кумой – Белоголовый сип – Gyps fulvus Hablizl, 1783* (49А, 49Б-расмлар).

Оқ бошли кумой ўтрок, мозаик тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Кўхитанг, Бойсунтоғ, Ҳисор тоғ тизмаларининг денгиз сатҳидан 2500 метргача баландликларида уялаш вақтида, текисликларда ва ҳайдаладиган ерларда эса кўчиш вақтида учрайди. “Сурхон” давлат кўриқхонасининг ўрта ва юқори қисмларида учрайди. Кўриқхона ҳудудида уларнинг сони 60-65 бош эканлиги қайд этилган [21;22]. Ўтган асрнинг 80 йилларида мамлакатимиз ҳудудида тахминан 140 жуфти уялаган бўлса, кейинги йилларда уларнинг сони камайиб кетаётганлиги қайд этилмоқда.

Оқ бошли кумойлар тик қояларда гуруҳ ёки колония бўлиб уялайди. Кўпинча унча катта бўлмаган гала бўлиб юришади. Февраль-март ойларида битта тухум қўяди ва тухумларини 53 кун босиб ётади. Полапонлари август ойидан бошлаб уча бошлайди. Кўчиши номунтазам. Улар туёқли ҳайвонлар ўлаксалари билан овқатланади.

Оқ бошли кумойлар сонининг кескин камайиб кетишига турли омиллар таъсирида уларнинг асосий озукаси бўлган туёқли ҳайвонлар сонининг камайиб кетиши ва браконьерлик сабаб бўлган.

Оқ бошли кумой ноёб қуш тури сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган ҳамда тоғ кўриқхоналари ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

Авлод. Қорақуш – Гриф - Aegypius

Тур. *Тасқара – Чёрный гриф – Aegypius monachus Linnaeus, 1766* (50А, 50Б-расмлар).

Тасқара ўтрок, мозаик тарқалган тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Бойсун тоғининг этак ва ўрта қисмлари, яъни, денгиз сатҳидан 500-2500 метргача бўлган баландликларида, Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида учрайди. “Сурхон” давлат кўриқхонаси ҳудудида кам сонда учрайди. Кўриқхона ходимлари томонидан 2014 йилги санок даврида 14-15 бош, 2015 йил баҳорги санок даврида 10 бош учратилган [21;22]. Ўтган асрнинг 80

йилларида мамлакатимиз ҳудудида тахминан 80 жуфти уялаган бўлса, ҳозирги вақтда сони камайиб бораётганлиги қайд этилмоқда.

Тасқаралар турли хил дарахтлар, буталарда кўпинча алоҳида жуфт бўлиб, тоғ қояларида эса колония бўлиб уялайди. Февраль-апрель ойларида битта тухум қўяди ва тухумларини 54-56 кун босиб ётади. Полапонлари июль-сентябрдан уча бошлайди. Кўчиши номунтазам. Асосан, туюқли ҳайвонларнинг ўлаксалари, баъзида эса тошбақалар, юмронқозиклар, калтакесаклар билан овқатланади.

Кейинги йилларда турли омиллар таъсирида ёввойи туюқли ҳайвонлар сонининг камайиши ва браконьерлик тасқаралар сонининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Тасқаралар муҳофазага муҳтож, ноёб куш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Тасқараларни овлаш таъқиқланган бўлиб, тоғ қўриқхоналари ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Илонбургут – Змеяд - *Circaetus*

**Тур.** *Илонбургут – Змеяд – Circaetus ferox S.G.Gmelin, 1788* (51-расм).

Илонбургут сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи Туркистон кенжа тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Амударё қирғоқларидаги тўқайзорларда, Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида ва “Сурхон” давлат қўриқхонаси ҳудудида учрайди. Қўриқхона ҳудудида мавсумий тарзда тез-тез учрайди. Лекин уларнинг сони 10-15 бошдан ошмайди ва инлари аниқланмаган [21]. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида мамлакатимиз ҳудудида тахминан 30-40 тагача жуфтлари уялаган бўлса, ҳозирда уларнинг сони кескин камайиб бормоқда.

Илонбургутларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Турли хил дарахтлар, буталар, жарликлар ва қояларга ин қуради. Улар апрель-май ойларида асосан 1 та, баъзида эса 2 тадан тухум қўяди ва тухумларини 35-47 кун босиб ётади. Полапонлари август-сентябрдан уча бошлайди. Илонбургутларнинг кузги учиб ўтиш даври сентябрь-октябрь ойларига тўғри келади ва қишлаш учун Ҳиндистон, Арабистон, Африкага учиб кетади. Улар асосан, калтакесаклар ва илошлар, баъзи вақтларда эса кемирувчилар, куш болалари ва ханаротлар

билан овқатланади. Илонбургутларнинг ажойиб инстинктларидан бири илонлар ва калтакесакларнинг бошини узиб ва шундан кейингина танасининг олд қисмидан бошлаб ютиб юборишидир. Кўпинча учиб кетаётган илонбургутнинг тумшугидан илоннинг думи осилиб чиқиб турганини кўриш мумкин. Бир ёз мобайнида бу қушнинг бир жуфти очиб чиққан жўжалари билан бирга тахминан 800-1000 та илонни ейди. Баъзида калтакесакларни, кулранг эчкемар, бақа, гоҳида эса майда жониворлардан юмронқозиқ ва майда қушчаларни ҳам ейди [11].

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида илонбургутлар учун асосий озуқа манбаи бўлган ҳайвонлар сонининг камайиши мазкур ноёб қушлар сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Илонбургут ноёб ҳайвон тури сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган ҳамда кўриқхоналар ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

**Авлод.** Бўктарги – Лунь - *Circus*

**Тур.** *Чўл бўктаргиси – Степной лунь – Circus macrourus S. G. Gmelin, 1771 (52A, 52B-расмлар).*

Чўл бўктаргиси учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти худудида Амударё ва Сурхон дарёси воҳаларида учрайди. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида мамлакатимизнинг текислик зоналарида учраши одатий ҳол ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда учиб ўтиш даврида якка ва кичик гуруҳ ҳолида кам сонда учрайди.

Чўл бўктаргиларининг баҳорги учиб ўтиши март-май ойларига, кузги учиб ўтиши эса август-октябрь ойларига тўғри келади. Улар қишлаш учун Ҳиндистон, Африка каби иссиқ мамлакатларга учиб кетади. Баҳорда яна қайтиб келади. Уяларини ерга қурук ўтлар ва хас-чўплардан ясайди. 3-5 дона тухум қўяди. Асосан, майда қушлар, кемирувчилар, калтакесаклар билан овқатланади.

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида чўл ва ярим чўл зоналаридаги кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида чўл бўктаргиларининг асосий озуқаси бўлган ҳайвонлар сонининг қисқариши бу ноёб қушлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Чўл бўктаргиси ноёб қуш тури сифатида ТМХИ Қизил

рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган ва катъий муҳофазага мухтож тур ҳисобланади.

**Авлод.** Бургут – Орёл - Aquila

**Тур.** *Чўл бургути (қорақуш, гажир) – Степной орёл – Aquila rapax Temminck, 1828* (53-расм).

Чўл бургути учиб ўтувчи кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудидаги текисликлар ва паст тоғ этакларида, Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида учиб ўтиш даврида учраши аниқланган.

Чўл бургутларининг баҳорги учиб ўтиши март-апрелда, ёш индивидлари апрель-майда кўчиб юради. Апрель ойида ерга тухум қўяди (1-3 та) ва тухумларини 45 кун босиб ётади. Полапонлари июлдан уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Қишлаши декабрдан февралгача. Улар майда сут эмизувчилар (куён, юмронкозик, кирпи ва бошқ.), баъзида қуш болалари, илонлар ва ўлаксалар билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида қўриқерларнинг ўзлаштирилиши ҳамда уларнинг электр узатиш тизимларида кўплаб нобуд бўлиши бу ноёб қуш турининг сони кескин камайишига сабаб бўлган.

Чўл бургутларини овлаш таъқиқланган бўлиб, муҳофазага мухтож тур сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Тур.** *Катта олачипор бургут – Большой подорлик – Aquila clanga Pallas, 1811* (54-расм).

Катта олачипор бургут табиатан камёб, учиб ўтувчи тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудидаги текисликлар ва паст тоғлар этакларида учиб ўтиш даврида учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Яқка ҳолда ва 2-3 индивиддан иборат кичик гуруҳ бўлиб учиб ўтади.

Катта олачипор бургутларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-май, кузги учиб ўтиши эса октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Улар асосан, майда сут эмизувчилар, сув бўйларида яшовчи турли хил қушлар, қурбақа ва илонлар билан овқатланади.

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида қўриқерларнинг кўплаб ўзлаштирилиши оқибатида катта олачипор

бургутлар учун озука манбаи бўлган турли хайвон турларининг камайиши ҳамда уларнинг электр узатиш тизимларида кўплаб нобуд бўлиши бу ноёб куш турининг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Катта олачипор бургутларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб ва йўқолиб бораётган куш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Тур. Қиронқора – Могильник – *Aquila heliaca Savigny, 1809* (55-расм).**

Қиронқора сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи номинал кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудидаги текисликларда, чўл зоналарида ва Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида учиб ўтиш даврида учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Ҳозирги вақтда эса сони жуда камайиб кетган.

Қиронқораларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-апрель ойларига тўғри келиб, ёш индивидлари апрель-май ойларида кўчиб юради. Февраль-май ойларида тухум қўяди (1-3 та) ва тухумларини 43 кун босиб ётади. Полапонлари июль-августдан уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши кеч, яъни октябрь-декабрь ойларига тўғри келади. Улар майда ва ўртача катталиқдаги сут эмизувчилар (юмронқозиқ, қуён, қумсичқонлар ва бошқ.), қушлар (каптарлар, беданалар, зағчалар, қарғалар, булдуруқлар, ўрдаклар ва бошқ.), тошбақалар ва ўлаксалар билан овқатланади.

Қиронқоралар сонининг кескин даражада камайиб кетишига кейинги йилларда текисликлардаги, чўл ва ярим чўл ҳудудларидаги қўриқ ерларнинг беҳисоб ўзлаштирилиши, бунинг оқибатида эса озуқанинг камайиши, инларининг бузиб ташланиши, уялаш жойларида безовта қилиниши, бундан ташқари уларнинг электр узатиш тизимларида кўплаб нобуд бўлиши сабаб бўлган.

Қиронқораларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

Тур. Бургут – Беркут – *Aquila chrysaetos Linnaeus, 1758*  
(56-расм).

Бургут табиатан камёб, ўтрок, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларида тоғларнинг ўрта ва баланд қисмидаги қояликларида, яъни, денгиз сатҳидан 3000 метр ва ундан баландроқ жойларида учрайди. Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида кам сонда учраши аниқланган [13]. “Сурхон” давлат кўриқхонаси ҳудудида уларнинг сони 29-30 бош эканлиги аниқланган, инлари эса Олтиқунликдара, Тангидеволдара, Даройигул, Каттаоғ ҳудудларида кайд этилган [21;22]. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган.

Бургутлар тоғлардаги баланд қоялар, жарликлар, қолдик тепаликлар, турли дарахтлар, харобалар, аҳоли яшайдиган жойлар яқинида эса электр узатиш устунларида ин куради. Баъзи йиллари уясини тузатиб, янгилаб туради. Шунинг учун уяси бора-бора катталашиб боради (баландлиги ва диаметри 2 м гача бўлади). Бир жуфт бургутнинг бир нечта уяси бўлиб, ҳар йили бу уялардан аста-секин фойдаланиб туради. Улар ўтрок қуш, лекин қишда тоғлардан текисликларга тушади. Февраль-март ойларида тухум қўяди (1-3 та) ва тухумларини 43-45 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июль ойларидан уча бошлайди. Улар асосан унча катта бўлмаган сут эмизувчи ҳайвонлар (хонаки эчкилар, гипратикан, жайрон, тулки, қуён, суғур, юмронқозик, товушқон ва бошқ.), қушлар (тўхта тувалоқ, каклик, улар, қирғовул, ёввойи ўрдак, хонаки қушлар ва бошқ.), илонлар, тошбақалар, баъзида эса ўлаксалар билан овқатланади. Битта бургут бир кунда 1 кг гўшт ейди. Бургут энг серҳаракатчан қуш бўлганлигидан қимматли овчи қуш ҳисобланади. Маҳаллий овчилар бургутнинг ёш боласини уясидан олиб тарбиялаб, қўлга ўргатадилар. Катта бўлганда унинг билан архар, кийик, оқ қуйрук, қора қуйрук, бўри, тулки, қуён, шунингдек, тувалоқ, йўрға тувалоқ, улар ва ғоз ови қиладилар.

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида кўриқ ерларнинг беҳисоб ва режасиз ўзлаштирилиши оқибатида бургутлар озукасининг камайиши, инларининг бузиб ташланиши ҳамда браконьерлик бу табиатан камёб қуш турининг сони кескин камайишига сабаб бўлган.

Бургутлар ноёб тур сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, кўриқхоналар ва миллий боғларда муҳофазат остига олинган.

**Авлод.** Қирғий бургутлар – Ястребиные орлы - *Hieraaetus*  
**Тур.** *Кичик бургут – Орёл-карлик – Hieraaetus pennatus*  
*S.G. Gmelin, 1788 (57A, 57B-расмлар).*

Кичик бургут сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти худудида Кўҳитанг, Бойсунтоғ, Боботоғ, Ҳисор тоғ тизмалари тоғлари ва текисликларида учрайди. Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида кам сонда учиб ўтиш даврида кузатилган [13]. “Сурхон” давлат қўриқхонаси худудида кам сонда (4-5 бош) учраши қайд этилган [21,22]. Ўтган асрнинг 50 йилларида мамлакатимиз, хусусан, вилоятимиз тоғлари худудларида учраши одатий ҳол ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг сони кескин камайиб кетган.

Кичик бургутларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Улар дарахтларга, баланд қояларга ин куради. Апрель-май ойларида тухум қўяди (1-3 та) ва тухумларини 38 кун босиб ётади. Полапонлари августдан уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши кеч, яъни, август-сентябрда бўлиб, қишлаш учун Ҳиндистонга учиб кетади, баҳорда яна қайтиб келади. Улар майда ва ўртача катталиқдаги қушлар (қаптар, ғуррак, мусича, каклик, тўрғай ва бошқ.), кемирувчилар, калтакесаклар билан овқатланади.

Кичик бургутларнинг сони кескин камайиб кетишига одамлар томонидан тўқайларнинг беҳисоб кесилиши, тоғ воҳаларининг режасиз ўзлаштирилиши оқибатида яшаш жойларининг йўқ қилиниши, инсонлар томонидан таъқиб қилиниши сабаб бўлган.

Кичик бургутлар ноёб қуш тури сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, тоғ қўриқхоналари ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Лочинлар – Соколиные – *Falconidae*

**Авлод.** Лочин – Сокол - *Falco*

**Тур.** *Куйка (чўл миққийси) – Стенная пустельга – Falco naumanni Fleischer, 1818 (58-расм).*

Куйка учиб ўтувчи қуш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти худудидаги Боботоғ, Бойсунтоғ, Кўҳитанг тоғлари ва Ҳисор тоғ тизмаларида, денгиз сатҳидан 3000-3600 м баландликларда учиб ўтиш даврида учрайди. “Сурхон” давлат қўриқхонасининг Хўжанко бўлими худудида бир жуфти уя қўйиши аниқланган. Қўриқхона

худудиди 2014 йил баҳорги санок даврида миққийларнинг 8 боши қайд этилган [21;22]. Ўтган асрнинг 70 йилларида Республикамиз, айниқса, вилоятимиз худудиди уялаши ва учиб ўтиши одатий ҳол ҳисобланган бўлса, ҳозирги вақтда, уларнинг сони аста-секин сезиларли даражада камайиб кетган.

Чўл миққийсининг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Улар жарликлар ва қояларнинг ўйиқларида колониялар ҳосил қилиб инлайди. Апрель-май ойларида тухум қўяди (3-5 та) ва тухумларини 28 кун босиб ётади. Полапонлари июн-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши август-октябрда. Қишлар учун Ҳиндистон, Арабистон, жанубий ва марказий Африкага учиб кетади. Улар асосан, ҳашаротлар (чигиртка, қўнғиз, ниначилар ва бошқ.), майда кемирувчилар, калтакесаклар ва қушлар билан овқатланади. Чигирткаларни қўлаб қириб фойда келтиради.

Инсонлар хўжалик фаолияти мақсадида худудларнинг ўзлаштирилиши оқибатида қуйкалар яшаш жойларининг вайрон қилиниши, инларининг бузиб ташланиши уларнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Қуйкалар ноёб қуш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, тоғ қўриқхоналари ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

**Тур. Итолғи – Балобан – *Falco cherrug J.E.Gray* (59A, 59B-расмлар).**

Итолғи уяловчи, учиб ўтувчи ва қишловчи кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти худудиди Боботоғ, Бойсунтоғ, Қўхитанг тоғларида учрайди. “Сурхон” давлат қўриқхонаси худудининг Қизилолма, Хўжанко, Шержон, Вандоб бўлимларида ёзги мавсумда уларнинг 5-6 боши учраши қайд этилган [21; 22]. Уларнинг сони сезиларли даражада камайиб бораётганлиги қайд этилмоқда.

Итолғилар тоғлардаги қоялар, жарликлар, электр узатини линиялари устунларида ин қуради. Баҳорги учиб ўтиши мартда. Февраль-март ойларида тухум қўяди (3-5 та) ва тухумларини 28 кун босиб ётади. Полапонлари май-июнь ойларида уча бошлайди. Куз ва қиш фаслларида кенг қўламда кўчиб юради. Уларнинг кузги учиб ўтиши сентябрь-ноябрда, қишлари эса декабрдан февралгача. Итолғилар кемирувчилар, қушлар билан овқатланади.

Итолғилар сонининг кескин камайишига кемирувчилар сонининг ўзгариб туриши, ноқонуний овлаш, инларининг бузиб ташланиши, бундан ташқари, уларнинг электр узатиш тизимларида кўплаб нобуд бўлиши сабаб бўлган.

Итолғилар ноёб ва муҳофазага муҳтож тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, кўриқхоналар ва миллий боғларда муҳофаза остига олинган.

**Тур. Лочин – Сокол-саян – *Falco peregrinus, Tunstall, 1771* (60-расм).**

Лочин табиатан камёб, номинал ва тундра кенжа тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Кўхитанг тоғи этаклари, текисликларида учиб ўтиш ва қишлаш даврида учрайди. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Якка ҳолда ва 2-5 та индивиддан иборат кичик гуруҳ бўлиб учиб ўтади ва қишлайди.

Лочинларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрелда. Апрельнинг охириларида, май ойининг бошларида 2-3 дона тухум кўяди. Кузги учиб ўтиши эса октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Қишлаши ноябрдан февралгача. Қушлар (каклик, кўк каптар, булдуруқ, зағча ва бошқ.) ва кемирувчилар билан овқатланади. Маҳаллий овчилар лочинни қўлга ўргатиб, қуш ови қиладилар.

Лочинларни ноқонуний овлаш оқибатида уларнинг сони кескин камайиб кетган. Ҳозирги вақтда қатъий муҳофазани талаб этади.

Лочинларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Тур. Маллабош лочин (*сахро лочини*) – *Шахин (рыжеголовый сокол) – Falco pelegrinoides Temminck, 1829* (61-расм).**

Маллабош лочин табиатан камёб, ярим ўтроқ кенжа тур бўлиб, Кўхитанг тоғида учраб, соғ тупроқли жарликлар ва тошқояларда уялайди ва бир неча жуфти қишлайди. Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида ва “Сурхон” давлат кўриқхонасининг Кампиртепа бўлимида кам сонда учраши аниқланган. Кўриқхонада унинг 1 та уяси қайд этилган. 2015 йил баҳорги санок даврида

уларнинг 4 боши учраган [13; 21]. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб локал камайиб бораётганлиги қайд этилмоқда.

Маллабош лочинларнинг баҳорги учиб ўтиши мартда. Улар қоялар, жарликларда уялайди. Февраль-апрель ойларида тухум қўяди (3-5 та) ва тухумларини 28-30 кун босиб ётади. Полапонлари май-июнда уча бошлайди. Куз ва қишда узоқ масофаларга қўчади. Уларнинг кузги кўчиши сентябрь-ноябрда. Қишлаши декабрдан февралгача. Майда ва ўрғача катталикдаги қушлар, баъзида кемирувчилар билан овқатланади.

Маллабош лочинлар сонининг кескин камайиб кетишига уларни ноқонуний овлаш, инларининг вайрон қилиниши сабаб бўлган. Ҳозирги вақтда қатъий муҳофазага муҳтож тур ҳисобланади.

Маллабош лочин ноёб қуш тури сифатида СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, Сурхон кўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Турнасимонлар – Журавлеобразные – Gruiformes

**Оила.** Тувалоқлар – Дрофини – Otididae

**Авлод.** Тувалоқ – Дрофа - Otis

**Тур.** *Тўхта тувалоқ – Дрофа (дудак) – Otis tarda Linnaeus, 1758* (62-расм).

Тўхта тувалоқ бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасидаги учиб ўтувчи кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Сурхондарё, Шерободдарёларнинг қуйи қисмларидаги серўтли текисликларда, ярим чўллар, бедазорларда учиб ўтиш даврида учрайди. Ўтмишда эса мазкур ҳудудларда қишлаши одатий ҳол бўлган. Ҳозирги вақтда эса бу ерларда уяламайди ва қишламайди. Якка ҳолда ва аксарият 11 тагача индивиддан иборат кичик ғуруҳ бўлиб учиб ўтади.

Тўхта тувалоқларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Улар тухум қўйиш учун махсус уя ясамайди. Апрель-майда тумшук ва оёғининг ёрдами билан ерни ўздан тозалаб, шу ерга тухум қўяди (2-3 та) ва тухумларини 21-28 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши октябрь-ноябрь ойларида. Улар ҳар хил ўсимликлар, қўнғиз, чигиртка каби турли хил ҳашаротлар билан овқатланади.

Кейинги йилларда инсон фаолияти натижасида ярим чўл



зоналаридаги кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши оқибатида тўхта тувалоқларнинг яшаш жойларининг йўқ бўлиб кетиши бу ноёб кушлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Тўхта тувалоқларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб ва йўқолиб бораётган куш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Тур. Бизғалдоқ – *Стрепет – Tetrax tetrax Linnaenus, 1758***  
(63A, 63B-расмлар).

Бизғалдоқ сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи куш тури бўлиб, Сурхондарё вилояти худудида Амударё қирғоқларига яқин бутазорли, ўт-ўланли текисликларнинг чўллашган, ярим чўллашган худудларида, Кўхитанг тоғи этакларидаги текисликларда, сув ҳавзалари қирғоқларида учиб ўтиш даврида, кузги экин майдонларида эса қишлаш вақтида учрайди. Улар якка-якка ҳолда ва кичик гуруҳ бўлиб учиб ўтади. Ўтган асрнинг 60-70 йиллари мобайнида сони жуда камайиб кетган, ҳозирги вақтда сони барқарорлашмоқда.

Бизғалдоқларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Апрель-майда ерга тухум қўяди (2-5 та) ва тухумларини 20-22 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши октябрь-ноябрда. Бизғалдоқлар турли хил ҳашаротлар ва ўсимликларнинг яшил новдалари билан овқатланади.

Бизғалдоқлар сонининг кескин камайиб кетишига кейинги йилларда кўриқ ерларнинг кўплаб ўзлаштирилиши ва браконьерлик сабаб бўлган.

Бизғалдоқларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб куш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Тур. Йўрға тувалоқ – *Дрофа-красотка (джейк) – Cheamidotis undulata Jacquin, 1784*** (64-расм).

Йўрға тувалоқ сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи кенжа тур бўлиб, Сурхон-Шеробод чўлининг барханли, шўрхок қисмларида учиб ўтиш даврида учрайди. Ўтган асрнинг 60

йилларидан бошлаб сони ва ареали қисқара бориб, 80-йиллардан бошлаб эса сони кескин камая бошлаган.

Йўрға тувалоқларнинг баҳорги учиб ўтиши февраль-мартда. Апрель-майда ерга тухум қўяди (2-5 та) ва тухумларини 21-24 кун босиб ётади. Полапонлари июнь-июлда уча бошлайди. Кузги учиб ўтиши август-ноябрь ойларига тўғри келади. Йўрға тувалоқлар турли хилдаги ўтлар (ковул мевалари, ёш шувоқ поялари, ёввойи пиёз ва саримсоқ пиёзчалари) ва уларнинг уруғлари, умуртқасизлар (кўнғизлар, чигирткалар ва бошқ.), майда кемирувчилар ва судралиб юрувчилар билан овқатланади.

Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб инсон фаолияти натижасида зўр бериб кўрик ерларнинг режасиз ўзлаштирилиши, браконьерлик, бундан ташқари, уларни учиб ўтиш ва уялаш даврида турли курол ва лочинлар ёрдамида рухсатсиз овланиши, одамлар томонидан тухуми ва полапонларини турли мақсадларда йиғилиши бу ноёб қуш турининг сони кескин камайишига олиб келган.

Йўрға тувалоқ ноёб ва муҳофазага муҳтож қуш тури сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Каптарсимонлар – Голубеобразные - Columbiformes

**Оила.** Булдуруқлар – Рябковые – Pterocledidae

**Авлод.** Булдуруқ – Рябок - Pterocles

**Тур.** *Оқбовур – Белобрюхий рябок – Pterocles alchata* Linnaeus, 1776 (65-расм).

Оқбовур сони қисқариб бораётган, учиб ўтувчи кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Амударё ва Сурхондарё соҳилларида, текисликларда, кумли, тупроқли ва тошлоқ даштларда, ғалла экин майдонларида учрайди. Ўтган асрнинг 60-70 йилларида анчагина зич (ҳар гектарда 0,4-3 индивид) популяцияга эга бўлган бўлса, ҳозирги вақтда сони кескин камайиб кетган.

Оқбовурларнинг баҳорги учиб ўтиши март-апрель ойларига тўғри келади. Май-июнда ерга ин қуради (колония, гуруҳ ёки алоҳида жуфт бўлиб). 2-3 та тухум қўяди ва тухумларини 19-25 кун босиб ётади. Полапонлари августдан уча бошлайди. Август-сентябрь ойларида кўчиб юради. Кузги учиб ўтиши сентябрь-ноябрда. Қишлаш учун Эрон, Афғонистон, Ҳиндистонга учиб

кетади. Улар ўсимликларнинг барги, уруғлари, новда-нихоллари (янтоқ, шўра ва бошқ.), шунингдек, ҳашаротлар билан овқатланади. Кузда ҳосили йиғиб олинган буғдойзор ва зиғир далаларига учиб боради.

Кейинги ўн йилликларда инсон хўжалик фаолияти мақсадида кўриқ ерларнинг ўзлаштирилиши, браконьерлик, уларни сувлокларда ўк отиб ноқунуний овлаш оқбурлар сонининг кескин камайишига сабаб бўлган.

Оқбурларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб қуш тури сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган. Уларнинг уялаш жойларида ва учиб ўтиш даврида катъий муҳофазасини ташкил этиш бу ноёб жониворлар сонини сақлаб қолишда муҳим чора-тадбирлардан саналади.




1-расм



2-расм



3-расм




4-расм



5-расм



6-расм



7-расм



8-расм



9-расм



10-расм



11-расм




12-расм



13-расм




14-расм




15-расм




16-расм




17-расм



18-расм




19-расм



20-расм



21-расм



22-расм



23-расм



24-расм



25-расм



26А-расм



26Б-расм



27-расм



28-расм



29-расм



30А-расм



30Б-расм



31-расм



32А-расм



32Б-расм



33А-расм



33Б-расм



34А-расм



34Б-расм



35А-расм



35Б-расм



36А-расм



36Б-расм



37А-расм



37Б-расм



38А-расм



38Б-расм



39-расм



40-расм



41А-расм



41Б-расм



42-расм



43-расм



44-расм



45А-расм



45Б-расм



46-расм



47-расм



48А-расм



48Б-расм



49А-расм



49Б-расм



50А- расм



50Б-расм



51-расм



52А-расм



52Б-расм



53-расм



54-расм



55-расм



56-расм



57А-расм



57Б-расм



58-расм



59А-расм



59Б-расм



60-расм



61-расм



62-расм



63А-расм



63Б-расм



64-расм



65-расм



66-расм



67-расм



68-расм



69- расм



70-расм



71-расм



72-расм



73- расм



74-расм



75-расм



76-расм



77А-расм



77Б-расм

## СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР

**Тип.** Хордалилар – Хордовые - Chordata

**Синф.** Сут эмизувчилар – Млекопитающие - Mammalia

**Туркум.** Ҳашаротхўрлар – Насекомоядные - Insectivora

**Оила.** Типратиканлар – Ежовые - Erinaceidae

**Авлод.** Типратиканлар – Ежи - Erinaceus

**Тур.** *Узун игнали кирпи (типратикан) – Длинноиглый (лысый) ёж – Hemiechinus hypomelas Brandt, 1836* (66-расм).

Узун игнали кирпи мозаик тарқалган, табиий сони кам ҳайвон тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудидаги турли ботиқлар ва қолдиқ тоғлар, тоғлардаги арчазорларнинг қуйи чегараларигача бўлган жойларда учрайди.

Яшаш жойларида кирпиларнинг сони ҳар гектарга 0,4-1,7 индивид, баъзи жойларда эса 2-3 тагача бўлиши қайд этилган. Умуман олганда, ҳар гектарда ўртача учраш даражаси 0,1 дондан ортиқ эмас.

Кирпилар тунда фаол ҳаёт кечирадиган ҳайвон. Уларнинг қишки уйқуси октябрдан мартгача давом этади. Турли кемирувчилар ва тошбакаларнинг уяларидан қишлаш, болалаш учун ҳамда вақтинчалик бошпана сифатида фойдаланади. Жуфтланиши март-апрелда. Май ойида болалайди (1-6 тагача). Улар 2 йилдан сўнг жинсий вояга етади. Кирпилар асосан, ҳашаротлар, гоҳида тухумлар, жўжалар, сичқонсимон кемирувчилар, турли судралиб юрувчилар билан овқатланади.

Табиатда юз бериб турадиган табиий хавфлар – турли даражадаги сел оқимлари ва йиртқичлар тажовузи, антропоген хавфлар-автомобиллар йўлларида ҳалок бўлиши, энг ёмон хавф эса даволаниш мақсадида кирпиларни овлаш. Бу факторлар табиатан камёб бўлган мазкур жониворларнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Узун игнали кирпини овлаш таъқиқланган бўлиб, у ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатида ва “Ўзбекистон қизил китоби”га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Силлик бурунли кўршапалаклар – Гладконосые летучие мыши - *Vespertilionidae*

**Авлод.** Ўқ қулоқлар – Стрелоухи - *Otonycteris*

**Тур.** *Оқ қоринли ўқ қулоқ – Белобрюхий стрелоух – Otonycteris hemprichi Peters, 1859* (67-расм).

Оқ қоринли ўқ қулоқ табиатан камёб, локал тарқалган ўтроқ тур бўлиб, вилоят ҳудудидаги чўл текисликларида, Кўҳитанг тоғининг этакларидан токи денгиз сатҳидан 1000 метр баландликкача бўлган ерларда учраши аниқланган. Шеробод дарёсининг ўрта оқимларида ҳам кам сонда учраши қайд этилган. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Эркаклари якка-якка ҳолда, урғочилари эса 3-7 тагача бўлган кичик гуруҳлар ҳолида учрайди. Кўпайиш даврида урғочилари 15-25 та индивидлардан иборат колониялар ҳосил қилиб яшайди.

Мамлакатимизда, жумладан, Сурхондарё вилояти шароитида оқ қоринли ўқ қулоқларнинг яшаш тарзи, биоэкологик хусусиятлари, кўпайиши ҳамда кўпайтириш чора тадбирлари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Мутахассислар томонидан турли йилларда олиб борилган кузатишлар натижаларига кўра, улар апрель-октябрь ойларида тунги вақтларда фаол ҳаёт кечириши, кундуз кунлари эса ташландиқ харобаларга, ғорларга, қоялар ёриқларига, эски ер ости йўлларига яширинади. Қишни ҳам якка-якка ҳолда ўша жойларда ўтказишади. Баҳор ва куз фаслларида улар 100 кмгача кўчиши аниқланган. Жуфтлашиши баҳор ёки кузда. Июнь-июль ойларида болалайди (аксарият ҳолларда 2 та). Болалари июль-августда уча бошлайди, бир кишловдан кейин жинсий вояга етади. Оқ қоринли ўқ қулоқлар асосан, қўнғизлар, баъзан, ниначилар ва капалаклар билан овқатланади.

Оқ қоринли ўқ қулоқларнинг кундуз кунлари беркинадиган ерларида безовта қилиниши, бундан ташқари, яшаш жойларининг деградацияланиши бу ҳайвон турининг сони кескин камайишига сабаб бўлган.

Ушбу ноёб турни муҳофаза қилиш учун уларнинг ҳозирги вақтда турли яшаш жойларида сақланиб қолган популяцияларини аниқлаш, шу жойларда қатъий муҳофаза чораларини ишлаб чиқиш, энг муҳими эса мазкур турнинг биологик ва экологик хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ этиш талаб этилади.

Оқ қоринли ўқ қулоқ ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Бурамалаб кўршапалаклар (Бульдогсимон кўршапалаклар) – Бульдоговые летучие мыши – Molossidae  
**Авлод.** Қат-қат лаблилар – Складчатогубы – Tadarida  
**Тур.** *Кенг қулоқли қат-қат лаб – Широкоухый складчатогуб – Tadarida teniotis Rafinesque, 1814* (68-расм).

Кенг қулоқли қат-қат лаб табиатан камёб, кўчиб юрувчи кўршапалак тури бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Боботоғ тоғи этакларида ҳамда денгиз сатҳидан 3000 метргача бўлган баландликларда учраши аниқланган. Уларнинг сони ҳамма вақт кам бўлган. Боботоғдаги колониялари (20-30 тадан, асосан урғочилари) бир-биридан 2-3 км масофада жойлашади. Айрим йилларда умуман учрамаганлиги қайд этилган.

Мамлакатимизда, жумладан, Сурхондарё вилояти шароитида кенг қулоқли қат-қат лабларнинг яшаш тарзи, турли биоэкологик хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган. Улар тунлари фаол ҳаёт кечиради, озуқа топиш учун 15-20 км гача кўчади, кундузлари эса қояларнинг чуқур, тик тушган ёриқларига, қояларнинг остига яширинади. Жуфтлашиши апрель-майда, июнда болалайди (кўпинча 1 та). Болалари июль-августда учирма бўлади ва иккинчи йили жинсий вояга етади. Уларнинг кўчиш ва қишлан хусусиятлари номаълум. Турли хил майда ҳашаротлар билан овқатланади.

Кундуз кунларида яширинадиган ерларида безовта қилиниши ва яшаш жойларининг деградацияланиши мазкур табиатан камёб кўршапалак турининг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Кенг қулоқли қат-қат лабларнинг сонини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш учун ҳозирги вақтда турли яшаш жойларида сақланиб қолган популяцияларини топиш, сонини аниқлаш, улар тарқалган ҳудудларда кучли муҳофазани жорий этиш, энг муҳими, бу ноёб турнинг тарқалиш ареали, сақланиб қолган индивидлари сони, яшаш тарзи, яъни, ўзига хос биологик ва экологик хусусиятларини чуқур ўрганиш талаб этилади.

Кенг қулоқли қат-қат лабларни овлаш таъқиқланган бўлиб, ноёб тур сифатида “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Йиртқичлар – Хищные -Carnivora

**Оила.** Айиқлар – Медвежьи – Ursidae

**Авлод.** Айиқлар – Медведи - Ursus

**Тур.** *Қўнғир айиқ – Тяньшанский бурый медведь – Ursus arctos Linnaeus, 1758* (69-расм).

Қўнғир айиқ табиатан камёб, мозаик тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти худудида Қўхитанг тоғлари тизимида ва Бойсунтоғ худудидаги Мачай, Қизилнавр, Кентала қишлоқлари атрофида тоғларнинг денгиз сатҳидан 1500-3500 метр бўлган ўрта ва юқори қисмларида учрайди. “Сурхон” давлат қўриқхонасининг Хатак бўлимида 2007-2009 йиллар мобайнида куз фаслида бир бош айиқ мунтазам кузатилган. 2010 йилдан кейин қўриқхона худудида қайд қилинмаган [22].

Қўнғир айиқлар март-октябрь ойларида асосан, эрталаб ва кечки пайтлари фаол ҳаёт кечиради. Октябрь охири-ноябрь бошларида уйкуга киради. Инини кўпинча тошлар орасидаги камгақларга, қалин бута чангалзорларига, қулаган дарахтлар тагига ва орасига, ғорларга доимо шамолга тескари қилиб солади ва тагига кўпинча ўт-ўлан ташлаб қўяди. Уларнинг жуфтлашиши май-июнда. Икки йилда бир марта январь-февралда болалайди (кўпинча 1-3 тагача). Болалари март-апрелда уясидан чиқади, 3-4 ёшида жинсий вояга етади. Эрта баҳорда қўнғир айиқлар турли хил мевалар, илдизлар, илдизпоялари пиёзчалари, баъзида эса суг эмизувчилар, ҳашаротлар, баъзида суғурлар ҳамда ўлаксалар билан овқатланади. Ёз охирида эса резавор мевалар, тоғолча, олма, дўлана ва ёнғок билан овқатланади. Камдан-кам ҳолларда қўйлар ва ёввойи туёқлиларга ҳужум қилади. Ҳаёт давомийлиги 30 йилгача.

Бу ноёб жониворларнинг сони кескин камайишига асосий сабаб браконьёрликдир. Қўнғир айиқни овлаш таъқиқланган бўлиб, у ноёб тур сифатида СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ҳамда муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Сувсарлар – Куньи –Mustelidae

**Авлод.** Қундузлар – Выдры - Lutra

**Тур.** *Ўрта Осиё қундузи – Выдра среднеазиатская – Lutra lutra Linnaeus, 1758* (70-расм).

Ўрта Осиё қундузи йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, вилоятимиз худудида Сангардак, Тўпаланг,



Сурхондарё, Шерободдарё, Мачайдарё дарёларининг юқори қисми қайирларида, яъни баликқа бой мазкур чучук сув ҳавзаларининг қирғоқ бўйларида учраши аниқланган. Хусусан, Бойсун тумани ҳудудидаги Дарбанд қишлоғи яқинидан оқиб ўтувчи Шерободдарё қирғоқларида унча катта бўлмаган популяцияси мавжуд. Илгари Ўрта Осиё кундузларининг турли сув ҳавзалари қирғоқ бўйларида учраши одатий ҳол эди, ҳозирги вақтда эса кўпгина яшаш жойларида йўқ бўлиб кетган, қолган жойларда ҳам сони жуда кам.

Ўрта Осиё кундузи тунда фаол ҳаёт кечириб, кундуз кунлари эса қирғоқ бўйидаги уяларига, ковак ва ғорларга беркинади. Улар тик қирғоқлардан ин ковлаб олади. Инига кириш йўли сув тагида бўлади. Уларнинг жуфтлашиши февраль-апрель ойларига тўғри келади. Урғочилари ҳар икки йилда бир марта - январь-февраль ойларида 2-5 тагача болалайди ва болалари апрель-августда уясида чикади, 3 йилдан кейин жинсий вояга етади. Улар турли баликлар (асосан, тангабалиқ, усач), баъзида қурбақалар, сувилонлар, ҳар хил майда сут эмизувчилар, сузувчи қушлар ва уларнинг тухумлари, моллюскалар, сувда яшовчи хилма-хил умуртқасиз ҳайвонлар ва баъзида ўсимликлар билан овқатланади. Тутиб олган ўлжасини судраб, қирғоққа олиб чикади ва ўша ерда ейди.

Инсон фаолияти натижасида Ўрта Осиё кундузларининг асосий яшаш муҳити бўлган текислик дарёлари сув режимининг ўзгариши, айниқса, ифлосланиши, тоғ воҳаларининг ўзлаштирилиши оқибатида уларнинг яшаш жойларининг вайрон бўлиши, браконьерлик бу камёб ҳайвон турининг сони кескин камашиб кетишига сабаб бўлган.

Ўрта Осиё кундузи ноёб тур сифатида СИТЕСнинг I-Иловасига, “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва муҳофаза остига олинган.

**Оила.** Сиртлонлар – Гиеновые –*Hyaenidae*

**Авлод.** Йўл-йўл сиртлонлар – Полосатые гиены - *Hyaena*

**Тур.** Йўл-йўл сиртлон (дўлта) – *Полосатая гиена – Hyaena hyaena Linnaeus, 1758* (71-расм).

Йўл-йўл сиртлон бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, ўтмишда Амударё қайирларининг юқори қисмида, Шерободдарёнинг юқори оқимида жойлашган Қизилнавр, Кентала, Ўрикли қишлоқлари ҳудудида ва куйи оқимида учраган. Ҳозирги вақтда фақат Амударё

соҳилларида, Боботоғ тоғи этакларида, Кўхитанг тоғи тизмасида жойлашган Вандоб, Қизилолма, Кампиртепа қишлоқлари ҳудудида тоғ этакларининг денгиз сатҳидан баландлиги 300-1200 метр бўлган жойларидаги чўллашган, сийрак дарахт-бутасимон ўсимликлар билан копланган адирликларида, қуриб қолган дарё ўзанлари атрофида, кирғок бўйи тўқайзорларида кам сонда учрайди\*. Ўзбекистонда фақат Сурхондарё вилоятида учрайди. Сони камайиб кетган бўлиб, 1980-1990 йиллар мобайнида уларнинг атиги 10 тагача индивидлари ҳисобга олинган.

Дўлталар туллари фаол ҳаёт кечириб, кундуз кунлари эса уяларида, ғор ва чуқурликларда яшириниб ётади. Уларнинг жуфтлашиши октябрь-ноябрь ойларига тўғри келади. Май ойида болалайди (кўпинча 3-5 тагача) ва июль-август ойларида болалари уяларидан чиқади. 3-4 йилдан кейин жинсий вояга етади. Кўпайиш давридан сўнг кўчиб юради. Сиртлонлар ўлакка, кемирувчилар, судралиб юрувчилар, ҳашаротлар ва турли хилдаги сернам мевалар билан овқатланади.

Бу ноёб ҳайвон турининг сони кескин камайиб кетишига 1960 йилларгача бўлган даврларда сиртлонларнинг инсон томонидан онгли равишда қирилиши, кейинчалик эса инсон фаолияти натижасида қўриқ ерларнинг режасиз ўзлаштирилиши, мазкур ҳайвон тури учун асосий яшаш муҳити ҳисобланган тўқайзорларнинг йўқ қилиниши, буларнинг оқибатида эса озуқа манбаларининг камайиши сабаб бўлган.

Йўл-йўл сиртлон бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвон тури бўлиб, “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Уларни овлаш таъқиқланган бўлиб, “Сурхон” давлат қўриқхонасида муҳофаза остига олинган. Қатъий муҳофазага муҳтож тур.

*\*1949 йилда Термиз ҳайвонот боғига Амударё адоғидан келиб туришига ўрганиб қолган чиябўриларга қўйилган сим қопқонга йўл-йўл сиртлон тушиб қолганлиги ва бу кучли ҳайвон қопқон боғлаб қўйилган қозиқни юлиб олиб, қамишзорлар орасига кириб кўздан гойиб бўлганлиги кўзатишган [11].*

**Оила.** Мушуклар – Кошачъи – Felidae

**Авлод.** Мушуклар – Кошки - Felis

**Тур.** *Туркистон силовсини – Туркестанская рысь – Lynx lynx Linnaeus, 1758* (72-расм).

Туркистон силовсини сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган кенжа тур бўлиб, вилоятимиз ҳудудида Боботоғ, Кўхитанг, Бойсун тоғларида тоғларнинг ўрта ва юқори қисмларида, асосан, сочма-тошлоқ ва қояларга якин жойларда учрайди. Кузатишлар натижасида Кўхитанг тогининг шимолий қисмида ҳамда Бойсун тумани ҳудудида Шеробод дарёсининг юқори қисмида жойлашган Мачай, Қизилнавр, Кентала қишлоқлари атрофида кам сонда учраши қайд этилган. “Сурхон” давлат қўриқхонасининг Шалқон, Хўжанқо, Шержон, Кампиртепа, Қизилолма ҳудудларида учрайди. Қўриқхона ҳудудида уларнинг 24-25 боши учраши аниқланган. Қўриқхона ходимлари томонидан 2015 йил баҳорги санок даврида 16 бош силовсинлар қайд этилган [21].

Силовсинлар асосан тунда, баъзида эса кундузи ҳам фаол, бошқа вақтларда чакалакзор буталар орасига яшириниб ётади. Январь-март ойларида жуфтлашади. Урғочилари май-июнда 3-6 тагача болалайди. Болалари 2-3 йилда жинсий вояга етади. Кўпайиш давридан сўнг озуқа етишмаса кўчади. Силовсинлар асосан, қуёнлар, баъзида эса кемирувчилар, туёқлилар, қушлар билан овқатланади. 17 йилгача яшайди.

Инсон фаолияти натижасида ўрмонларнинг ҳисобсиз кесилиши, озуқа манбаларининг камайиб кетиши, браконьерлик Туркистон силовсинларининг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Туркистон силовсини ҳозирги вақтда “Халқаро конвенция” нинг сони кескин камайиб кетган ва узлуксиз камайиб бораётган ҳайвон тури ҳисобланади. Овлаш таъқиқланган. ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига, “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган ва “Сурхон” давлат қўриқхонасида муҳофаза остига олинган. Муҳофазага муҳтож тур.

**Тур.** *Қоплон – Переднеазиатский леопард – Panthera pardus Linnaeus, 1758* (73-расм).

Қоплон бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, Республикамиз ҳудудида фақат

Сурхондарёнинг Боботоғ ва Кўхитанг тоғларида денгиз сатҳидан 600-900 метр баландликларида сийрак пистазор ва арчазорли ҳамда тошқоялари юзага чиққан жойларида учраши аниқланган. Уларнинг сони кам бўлиб, 1960 йилларда Боботоғда бир неча донаси қайд этилган. Ҳозирги вақтда Кўхитанг тоғида 10 тага яқин индивидлари сақланиб қолгани тахмин қилинади.

Қоплонлар окшом ва тунда фаол ҳаёт кечириб, кундузлари эса горларда, қоялар орасида яшириниб ётади. Жуфтлашиши декабрь-январда. Март-май ойларида 2-5 тагача болалайди. Болалари 1-1,5 йилгача онаси билан бирга бўлади ва 2-3 ёшда жинсий вояга етади. Улар ёввойи туёқлилар, баъзан кемирувчилар ва кушлар билан овқатланади. 15 йилгача яшаши аниқланган.

Қоплонларнинг сони кескин камайиб кетишига уларнинг асосий озуқаси бўлган туёқлилар сонининг камайиши ва браконьерлик сабаб бўлган.

Қоплонлар бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатида, СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Муҳофазага муҳтож тур бўлиб, уни овлаш таъқиқланган ҳамда “Сурхон” давлат кўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

**Туркум.** Жуфттуёқлилар – Парнокопытные -Artiodactyla

**Оила.** Буғулар – Оленьи –Cervidae

**Авлод.** Ҳақиқий буғулар – Настоящие олени - Cervus

**Тур.** *Бухоро буғуси (хонғул) – Бухарский олень – Cervus elaphus Linnaeus, 1758 (74-расм).*

Бухоро буғуси йўқ бўлиб кетаётган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, ўтмишда Сирдарё ва Амударё ҳавзаларининг барча тўқайзорларида кенг тарқалган. Ҳозирги вақтда обори ген популяциялари ва интродукция, реинтродукция йўли билан юзага келган сунъий гуруҳлари мавжуд бўлиб, улар Сурхондарё вилояти ҳудудида Амударёнинг қайир тўқайзорлари ва уларга ёндош қумли чўлларда учрайди.

Ҳозирги вақтда вилоятимиз ҳудудида жойлашган “Сурхон” давлат кўриқхонасининг “Пайғамбар Орол” бўлимида Бухоро буғуларининг 50 та индивиди яшаётганлиги қайд этилган.

Бухоро буғулари оилавий-группавий яшаш тарзига эга хайвонлар бўлиб, гуруҳ таркиби йил давомида ўзгариб туради. Подалари 3-20 та ва ундан ҳам кўп индивидлардан иборат бўлади.



Улар ёзда тунлари, кишда эса кундузи фаол ҳаёт кечирадиган ҳайвонлардир. Жуфтлашиши сентябрь-октябрда. Май-июнь ойларида аксарият 1 тадан, баъзи ҳолларда 2 тадан болалайди ва болалари бир йилгача онаси билан бирга бўлади. Хонгул болалари 2-3 ёшида жинсий вояга етади. Дарахт, бута ва ўтсимон ўсимликлар билан овқатланади.

Бухоро буғуларининг сони кескин камайиб кетишига табиий яшаш жойларининг камайтирилиши, яъни, сув балансининг бузилиб кетиши, дарахтларнинг кесилиши, молларнинг ўтлатилиши, ёнгинлар, тошқинлар оқибатида тўқайзорларнинг йўқ қилиниши ҳамда браконьерлик асосий сабаб бўлган.

Бухоро буғуси ноёб ва йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, муҳофазага муҳтож тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатиغا, СИТЕС нинг II-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган ва Республикамиздаги бир нечта кўриқхоналар қаторида “Сурхон” давлат кўриқхонаси (“Пайғамбар орол” бўлими) да муҳофаза остига олинган.

Буғуни муҳофаза қилиш бўйича Ўрта Осиё мамлакатлари томонидан Меморандум имзоланиб, трансчегаравий мигрант сифатида Бонн Конвенцияси тасарруфига олинган ҳамда 2012 йилда давлатлараро даражада мазкур ноёб турни сақлаб қолиш ва сонини тиклаш бўйича Дастур ва Иш режаси тасдиқланган.

Нафақат Ўзбекистон, балки дунё фаунасида ноёб тур ҳисобланган Бухоро буғулари сонини сақлаб қолиш учун ҳозирги кунгача сақланиб қолган, мавжуд популяциялар ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг яшаш тарзи, турли ўзига хос биоэкологик хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ қилиш талаб этилади. Бундан ташқари уларнинг асосий яшаш муҳити ҳисобланган тўқайзорлар майдонини кенгайтириш, Амударё дельтасида янги биосфера резервацияларини ташкил қилиш, “Сурхон” кўриқхонаси (“Пайғамбар Орол” бўлими) да уларнинг сонини кўнайитириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

**Оила.** Қувушшоҳлилар – Полорогис – Bovidae

**Авлод.** Тоғ эчкилари – Горные козлы - Capra

**Тур.** Бурама шоҳли эчки (морхўр) – Винторогий козёл (мархур) – *Capra falconeri Wagner, 1839* (75-расм).

Морхўр бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, Республикамиз худудида

фақат Сурхондарё вилоятининг Кўхитанг, Бойсунтоғ, Боботоғ тоғларининг денгиз сатҳидан баландлиги 1500-2500 метр бўлган тош-қояли ва сийрак арчазорли ёнбағирларида учрайди. “Сурхон” давлат кўриқхонасининг шимолий ҳудудларида кўпроқ, марказий қисмда кам, жанубий қисмларида ўртача зичликда тарқалганлиги аниқланган. Асосий яшаш ҳудудлари Олтикунликдара, Оролтоғ, Тошлиюрт, Олмабулоқсой, Курчик, Каттатоғ, Қулдарозсой каби даралар ҳисобланади. 2014 йил баҳорги саноқ даврида 310-313 бош, 2015 йил баҳорги саноқ даврида 381 бош морхўр учраши аниқланган [21;22]. Ёз вақтларида эса денгиз сатҳидан баландлиги 3000 метр бўлган баланд тоғ (альп) ўтлоқларигача кўтарилади.

Ўтган асрнинг бошларида Кўхитанг, Бойсунтоғ, жумладан, Шерободдарёнинг юқори оқимида жойлашган Мачай, Қизилнавр, Кентала, Ўрикли кишлоклари ҳудудида учраши одатий ҳол бўлган. 1950-1970 йилларда одамлар томонидан махсус овланиши натижасида сони кескин камайиб кетган. Кейинчалик муҳофаза чоралари кўрилиши натижасида сони бирмунча барқарорлашиб, ҳозирги вақтда вилоятимиз тоғларида тахминан 300-400 индивидлари сақланиб қолганлиги қайд этилган.

Морхўрлар пода бўлиб яшайди, мавсумий кўчади. Уларнинг жуфтлашиш даври ноябрь-декабрь ойларига тўғри келади. Апрель-май ойларида 1-2 тадан болалайди. Болалари бир йилгача онаси билан бирга бўлади ва 2-4 ёшида жинсий вояга етади. Морхўрлар асосан, ўтсимон ўсимликлар билан овқатланади.

Бу ноёб жониворларнинг сони кескин камайиб кетишига одамлар томонидан махсус овланиши (айниқса, 1950-1970 йиллар оралигида), ҳозирги вақтда ҳам биринчидан, браконьерлик, иккинчидан, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида морхўрлар учун асосий яшаш муҳити ҳисобланган яйловлардан кенг кўламда фойдаланиш асосий сабаб бўлмоқда.

Бурама шохли эчки ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг I-Иловасига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган. “Сурхон” давлат кўриқхонаси, Ҳазратбобо ва Бойсун ўрмон хўжаликларида муҳофаза остига олинган.

Мазкур ноёб ва муҳофазага муҳтож ҳайвон турининг сонини сақлаб қолиш учун уларнинг яшаш жойларида муҳофазани кучайтириш ҳамда туткунликда кўпайтириш чора-тадбирини ишлаб чиқиш лозим.

Морхўрларнинг яшаш тарзи, турли биоэкологик хусусият-

ларини тадқиқ қилиш, бунинг натижасида эса мазкур ноёб турнинг сонини сақлаб қолиш ва кўпайтириш соҳасида бир неча йилдан буён “Сурхон” давлат кўриқхонаси илмий ходимлари тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар ва мазкур камёб ҳайвон тур муҳофазасига катта ҳисса қўшмоқдалар [21;22;23].

**Авлод.** Тоғ қўйлари – Горные бараны - *Ovis*

**Тур.** *Бухоро тоғ қўйи – Бухарский горный баран – Ovis vignei Blyth, 1841* (76-расм).

Бухоро қўйи бутунлай йўқ бўлиб кетиш арафасида турган, локал тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилоятининг Кўхитанг, Бойсунтоғ, Боботоғ тоғларида денгиз сатҳидан 800-2500 метр бўлган баландликларда тоғ даштлари, сийрак арчазорли зоналарида учрайди. “Сурхон” давлат кўриқхонасига қарашли Чўлбаир, Тангидево, Вандоб тоғлари ҳудудида уларнинг сони 45-50 тани ташкил этиши ва қишки мавсумда миграция сабабли сони камайиши қайд этилган [21;22]. Ўтмишда уларнинг сони анча кўп бўлган. Ҳозирги вақтда Кўхитанг тоғида 70, Бойсун тоғи (Ҳисор тоғи билан бирга) да 200, Боботоғ тоғида 40 тага яқин индивидлар сақланиб қолганлиги қайд этилган.

Бухоро қўйлари пода бўлиб яшайди, мавсумий кўчади. Ноябрь-декабрь ойларида жуфтлашади. Урғочилари апрель-май ойларида 1-2 тадан болалайди. Болалари бир ёшга тўлгунча онасидан ажрамайди, 2-4 ёшда жинсий вояга етади. Улар асосан, ўтсимон ўсимликлар билан овқатланади.

Инсон фаолияти натижасида Бухоро қўйларининг асосий яшаш жойларининг, айниқса, тоғ яйловларининг режасиз ўзлаштирилиши, одамлар ва бўри, ит каби йиртқич ҳайвонлар томонидан таъқиб қилиниши, браконьерлик, юкоридаги омиллар таъсирида ареалларининг узилиши бу ноёб жониворларнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Бухоро қўйи Термиз ҳайвонот боғида кўпайтирилмоқда. Бу ноёб тур ҳайвонни сақлаб қолиш учун улар яшайдиган барча жойларда муҳофазани кучайтириш, парваришхоналарда кўпайтиришни йўлга қўйиш зарур.

Бухоро қўйи ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига, СИТЕСнинг II-Иловасига, “Ўзбекистон қизил китоби” га киририлган ва овлаш таъқиқланган. “Сурхон” давлат кўриқхонасида муҳофаза остига олинган.

Авлод. Кийиклар – Газели - *Gazella*  
 Тур. *Жайрон* – *Джейран* – *Gazella subgutturosa*  
*Gueldenstaedt, 1780* (77А, 77Б-расмлар).

Жайрон сони қисқариб бораётган, мозаик тарқалган кенжа тур бўлиб, Сурхондарё вилояти ҳудудида Боботоғ ва Кўхитанг тоғларининг тоғ олди зоналарида ва чўлларнинг тупроқли, баъзида кумли қир-адирларида, кўпинча шағалли ва сертупроқ ерларда учрайди. “Сурхон” давлат кўриқхонаси ҳудудидаги Вандоб тоғининг жанубий қисмларида ёзги ва кузги мавсумда кам сонда учраганлиги қайд этилган. 2010-2015 йиллар давомида кўриқхона ҳудудида қайд этилмаган. Лекин кўриқхонага туташ жанубий ҳудудларда (Қизилтоғ, Октоғ, Хўжайибеш адирликлари) умумий сони 15-20 бошдан иборат гуруҳлари учраши қайд қилинган [21;22].

Жайронлар пода ҳосил қилади, аксарият ўтроқ ҳолда, баъзида ярим ўтроқ бўлиб яшайди, фақат ареалларининг шимолий қисмларида номунтазам равишда мавсумий кўчиб юради. Жуфтлашиши ноябрь-декабрда. Апрель-май ойларида 1-2 та, баъзида 3 тадан болалайди ва болалари август-сентябргача онаси билан бирга бўлади. Урғочи болалари 7-8 ойда, эркак болалари 18-19 ойда жинсий вояга етади, лекин жинсий кўпайишда 2-3 ёшдан бошлаб иштирок этади. Улар асосан, ўтсимон ўсимликлар билан овқатланади. Баҳорда ғалла ўсимликлари ва эфемерлар билан овқатланса, кўк ўтлар қуриб кетадиган ёз фаслида шўралар ва шувоқ билан овқатланади. Қишда эса сахро буталарининг мевалари ва шохларини ғажийди.

Инсон хўжалик фаолияти натижасида чўллар, ярим чўллар, қир-адирларнинг ҳисобсиз ўзлаштирилиши, улар яшайдиган жойларда ерларнинг узоқ вақт музлаб туриши, кўп қор ёғиши ва браконьерлик бу ноёб тур ҳайвонларнинг сони кескин камайиб кетишига сабаб бўлган.

Жайронларнинг сонини сақлаб қолиш учун улар яшайдиган жойларда инсон хўжалик фаолиятини тартибга солиш, зарур ҳолларда чеклаш, дайди итларга қарши курашни кучайтириш, чорва моллари отарларидаги итлар сонини назорат қилиш, булар оқибатида эса жайронлар ҳаётига бўладиган таҳдидни камайтириш, уларнинг сув манбаларига етиб боришини таъминлаш жуда ҳам зарур.

Республикамизда табиатнинг гўзал ва ноёб жониворларидан

бўлган жайронларни сақлаб қолиш учун жуда кўп давлат тадбирлари ишлаб чиқилган. Уларни тутқунликда ва ярим тутқунлик шароитларида кўпайтириш мақсадида “Жайрон” экомаркази ташкил этилган. Бир нечта кўрикхона ва буюртмахоналарда муҳофаза остига олинган. Сурхондарё вилоятида ҳам бу ноёб ҳайвон турини муҳофаза қилишнинг режали, илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

Жайрон ноёб тур сифатида ТМХИ Қизил рўйхатига ва “Ўзбекистон қизил китоби” га киритилган. Овлаш таъқиқланган ва муҳофаза остига олинган.

## СУРХОНДАРЁНИНГ НОЁБ ВА ЙЎҚОЛИБ БОРАЁТГАН ҲАЙВОНЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

ЮНЕСКО маълумотларига кўра, кейинги 100 йил ичида инсон фаолияти натижасида 1000 тур умуртқали ҳайвонлар йўқолиб кетиш арафасида турибди [8].

Ҳозирги вақтга келиб, табиий муҳитда биологик хилма-хилликни сақлашда ноёб, муҳофазага муҳтож турларни “Қизил китоб” саҳифаларига муҳрлаш, турли “қизил рўйхатларга” киритиш ёки муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш билангина асосий мақсадга эришиш амримаҳол.

Табиатда биологик хилма-хилликни сақлаш жамиятнинг барқарор ривожланишидаги асосий омиллардан бири бўлиб, ҳар бир давлатнинг иқтисодий, экологик ва маданий – эстетик эҳтиёжларини қондиришнинг муҳим ресурси ҳисобланади. Чунки биологик хилма-хиллик биосферани шакллантириши, унда бошқа биологик турлар билан бирга инсон ҳам истиқомат қилишини ёддан чиқармаслигимиз лозим.

Кейинги йилларда инсон биосферага тобора талофатли таъсир кўрсатмоқда. Бунинг натижасида табиатда иқлимий ўзгаришлар, чўлланиш жараёнининг кучайиши, ўрмон майдонларининг қисқариши, ҳайвонот олами баъзи вакиллариининг ер юзидан йўқолиб кетаётганлиги, ерларнинг шўрланиши ва бошқа кўплаб маҳаллий ва умумбашарий экологик муаммолар пайдо бўлди ва бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солмоқда.

Бугунги кунда инсоният биологик хилма-хилликни ўрганиш ва сақлаб қолиш бугунги кундаги энг устувор аҳамиятга эга вазифалардан бири эканлигини тушунган ҳолда табиат ва унинг компонентларини муҳофаза қилиш ишларига эътибор қаратмоқда. 1992 йилда БМТнинг атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Конференциясида биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция қабул қилинди ва уни 156 та давлат маъқуллаб имзолади.

Мамлакатимизда ҳам биологик ресурсларни асраб-авайлаш, муҳофаза қилиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон 1995 йилда биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Халқаро Конвенцияга қўшилди ва “Биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режаси” ни ишлаб чиқди. Ушбу ҳаракат режаси 1998 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан 139-сонли қарор билан тасдиқланди.



Вилоятимиз ҳудудида ноёб ҳайвонлар сонининг кескин камайиб кетишига атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ҳам турли даражада салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳайвонлар атмосферанинг ифлос, яроксиз ҳавосидан нафас олишга мажбур ва бунинг оқибатида уларнинг танасида фтор, қўрғошин, сурьма, молибден, углерод оксиди, азот ва олтин-туғурт оксидлари ва шунга ўхшаш заҳарли газлар ва чанглар тўпланиб, ҳайвонлар ҳаётчанлигига жиддий зиён етказмоқда, уларнинг табиий чидамлилиги пасаймоқда, турли касалликларга тез чалинадиган бўлиб қолмоқда, кўпгина ҳолларда уларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Тожикистон алюминий заводи мўриларидан тарқалаётган заҳарли газлар бошқа табиат компонентлари каторида вилоят ҳайвонот дунёсига ҳам зарарли таъсир кўрсатиб, улар организмида турли касалликларни келтириб чиқармоқда, уларнинг насл бериш хусусиятига ҳам салбий таъсир қилмоқда. Кузатишлар натижасида ТожАЗ заҳарли газлари вилоятимиз ҳудудида турли яшаш муҳитларида тарқалган умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар танасида ўнга яқин касалликларни келтириб чиқарганлиги қайд этилган [26].

Вилоятда ноёб ҳайвонлар сонининг камайиб кетишига айрим сохта табиблар фаолияти, бундан ташқари халқимиз орасида тарқалган турли ҳайвонларнинг дориворлик хусусиятларига доир илмий асосланмаган фикрларнинг мавжудлиги ҳам катта хавф солмоқда.

Вилоятимиз ҳайвонот дунёси, жумладан, ноёб ҳайвон турлари сонини сақлаб қолиш учун мавжуд қўриқхоналар, заказниклар ва алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар майдонини кенгайтириш, янгидан қўриқхоналар, заказниклар ташкил этиш, энг муҳими эса назоратни кучайтириш, браконьерларга нисбатан қаттиқ курашиш лозим ва бу вилоятимиз ҳудудида ноёб ҳайвонларни муҳофаза қилишнинг энг асосий шартларидан биридир.

## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Ҳар бир ноёб деб ҳисобланган ўсимлик ёки ҳайвон турини муҳофаза қилиш ишларини ташкил этишда энг аввало шу турнинг ўзига хос биологик, экологик, этологик хусусиятларини атрофлича тадқиқ қилиш лозим. Бунинг учун эса ўз моҳиятига, вазифасига, мақсадларига ва илмий асосга эга тадқиқотларни ўтказиш талаб этилади ва ана шу тадқиқотлар натижалари асосида амалий чора-тадбирларни қўллаш керак.

2. Табиий ресурсларни муҳофаза қилиш соҳасидаги ишларни тўлақонли амалга оширишда мазкур соҳада иш олиб бораётган ходимларнинг билим ва кўникмалари қай даражада эканлиги жуда муҳим масала ҳисобланади. Шу боис ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини тизимли, сифатли равишда йўлга қўйиш лозим. Чунки мазкур соҳа ходимлари ўсимлик ва ҳайвонларнинг турли хусусиятлари, уларнинг учраш даражаси, ноёблик хусусиятлари ва бошқалар тўғрисида чуқур тушунчага эга бўлишлари керак. Бундан ташқари ўсимлик ва ҳайвонларнинг турларини аниқлаш бўйича систематик мутахассислар кам. Шу сабабли олий ўқув юрларида шундай мутахассисларни тайёрлаш ишларига алаҳида эътибор қаратиш керак.

3. Узоқ йиллар мобайнида шаклланган маълум бир ҳудуд флора ва фаунасига янги бир ўсимлик ва ҳайвон турларини иқлимлаштиришда шу янги турнинг ўзига хос барча биологик ва экологик хусусиятларини, хулқ-атворини чуқур ўрганиш зарур. Чунки янги кириб келган тур билан маҳаллий турлар ўртасида турли ноқулай муносабатлар юзага келиб, натижада у ёки бу тур вакиллари зиён кўриб, улар сонининг камайишига сабаб бўлиши мумкин.

4. Табиатда ноёб саналган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ишларини самарали ташкил этишда шу соҳада олиб борилган илмий асосланган тадқиқот натижаларидан фойдаланиш талаб этилади. Соҳа мутахассиси табиат объекти (ўсимлик, ҳайвон ва бошқалар) тўғрисидаги турли хил маълумотлар, ҳужжатларнинг янгиланиб турилишидан хабардор бўлиши ўта муҳим. Яъни турларнинг тарқалиш ареали, муҳофазага муҳтожлиги, камёблик даражаси, “Қизил китоб” саҳифаларидан ўрин олиши учун қандай асосларга эга эканлиги, қандай ҳайвон турлари устида савдо-сотикни амалга ошириш, қайси ҳайвон турларини овлаш бўйича ишларни ташкил этиш, шу билан бирга айрим турларнинг

сони жуда ошиб кетганлиги, табиатга, инсон фаолиятига зарар етказётганлигини ҳисобга олиб, улар сонини бошқаришни йўлга қўйишда бажариладиган ишлар тўғрисида етарли илмий тушунчага эга бўлиши керак.

5. Ҳар бир муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар фаолиятини назорат қилиш, уларнинг мақсадли иш олиб бораётганлигини аниқлаш, уларни тегишли тартибда рағбатлантириб бориш лозим.

6. Вилоятдаги бир нечта сувликлар атрофида кўпинча киш ва баҳор фаслларида камишзорларга ўт қўйиш ҳолатларини кўриш мумкин. Бизга маълумки, камишзорлар киш фаслида кўпгина ёввойи ҳайвонлар жон сақлайдиган муҳим бошпана ҳисобланади, иккинчидан, турли ҳайвонларнинг кишда ўзлари учун озуқа топишларида камишзорлар муҳим ўрин тутади. Шу сабабли камишзорларга ўт қўйилиши кўпгина ҳайвон турларининг сони сезиларли даражада камайишига сабаб бўлмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш мутасаддилари бу масалага жиддий эътибор қаратишлари, аҳоли ўртасида кенг тарғибот ишларини олиб боришлари лозим.

7. Жиддий эътибор қаратишимиз лозим бўлган муаммолардан яна бири ҳозирги вақтда вилоятда чорва моллари кўпайиб кетганлиги ва бу чорва молларини боқиш учун чўл, тоғ, яйлов зоналаридан ажратилаётган майдонларда моллар туёғи остида кўплаб ўсимликлар зиён кўрмоқда ҳамда бир нечта ҳайвон турлари ҳаётига ҳам хавф солмоқда. Чорва молларини ўтлатишни тартибга солиш лозим деб ҳисоблаймиз.

8. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан Республиканинг шу соҳага алоқадор илмий текширини институтлари ўртасида тизимли ва мақсадли илмий алоқаларини йўлга қўйиш лозим ва бу соҳадаги илмий кузатувларни ҳамкорликда олиб бориш керак. Шу тадқиқотлар натижаларига таяниб ҳайвонлар мониторингини олиб бориш яхши натижа беради.

9. Вилоятда “Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар” макомини олган ҳудудларда доимий равишда илмий кузатишлар олиб бориб, ноёб ҳайвон турларининг яшаши, уя қўйиши, кўпайиши учун қулай бўлган ҳолат ва вақтни аниқлаш ва шу асосда амалий чораларни кўриш муҳофазага муҳтож турларни сақлаб қолишда энг асосий тадбирлардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

10. Ов муддатларини имкон қадар қисқартириш, ҳайвонларнинг кўпайиш даврларини аниқлаб, шу вақтларда ов қилишни бутунлай чеклаш зарур.

11. Вилоят ҳудудида ноқонуний ов қилишни кучли назорат қилиш, браконьерларга нисбатан шафқатсиз чора-тадбирларни қўллаш вақти келди деб ҳисоблаймиз.

12. Аҳоли ўртасида табиий муҳитни сақлаб қолиш, камёб ҳисобланган ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари муҳофаза қилиш соҳасида тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Бунинг учун умумий ўрта таълим мактабларида, касб-хунар коллежлари ва лицейларда, олий таълим муассасаларида, шунингдек, маҳаллаларда табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, ўрмон хўжалиги ва бошқа алоқадор ташкилотларнинг ходимлари ҳамда олий ўқув юртларининг мутахассислари, илмий тадқиқотчилари иштирокида турли мавзулардаги тадбирлар, семинарлар, давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб туриш яхши натижа беради. Чунки халқимиз, айниқса, ёшларимиз табиат, унинг турли компонентлари, жумладан, табиий ресурслар, уларнинг табиатдаги заҳиралари, ноёблик даражаси, муҳофаза қилиш чоралари тўғрисида етарли илмий тушунчага эга эмаслиги ҳаммамизга маълум.

13. Вилоятимизда чоп этилаётган турли газета, журналларда, телевидение ва радиода Сурхондарё вилоятининг табиати, ўсимлик ва ҳайвонлари, айниқса, ноёб ўсимлик ва ҳайвон турлари, уларни муҳофаза қилиш масалаларини кенгроқ ёритиш лозим. Яъни аҳолининг экологик онгини юксалтириш, уларнинг табиатга бўлган муносабатини ўзгартиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва таъсирини ошириш яхши самара беради.

14. Экологик муаммолар кўлами тобора кенгайиб, глобал тус олаётган ҳозирги кунда ҳар бир фуқарода, айниқса, ёш авлодда экологик маданиятни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Яъни оддий фуқародан тортиб, барча ёшдаги тарбияланувчилар, таълим олувчилар, турли даражадаги раҳбарларгача тегишли бўлган умумий экологик таълим олишлари лозим.

15. Экология фанини мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим тизимининг ўқув режасига киритилиши она табиатни асраш, ёшларда табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотиш, муҳим табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ишларини йўлга қўйишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги (1992 йил, 9 декабрь) Қонунининг 4-моддасида “Фуқароларнинг ҳаёти учун қулай табиий муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш, барча турдаги таълим муассасаларида экологик уқувлиликнинг мажбурийлиги” таъкидланган. Ўрта махсус таълим тизимида



ҳам экология фанининг сифатли ўқитилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида экология фанининг дастурини тузишда мазкур фан биология фанлари таркибида етишиб чиққан фундаментал фан эканлиги, унинг асосий объекти тирик организмлар эканлиги, шунга мувофиқ ўқув дастури ўсимликлар ва ҳайвонлар популяцияси, биоценозлар тўғрисидаги тушунчалар, тирик организмларнинг биосферадаги ўрни ва таъсири, табиий муҳитнинг энг асосий компонентлари бўлган ўсимлик ва ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолиш бўйича муҳим маълумотларни қамраган бўлишига аҳамият берилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

**16.** Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтларида ўрта мактаб системасидаги барча фан ўқитувчилари учун амалдаги ўқув режага асосан “Экология ва барқарор тараққиётнинг долзарб масалалари” мавзуси сифатида 2 соат амалий машгулот ўтиш режалаштирилган. Ҳозирги вақтда экологик мувозанат бузилганлиги, табиий муҳитни сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш жамият тараққиётидаги муҳим масала эканлиги сабабли, бу соҳада ижобий натижаларга эришишда мактаб ўқитувчилари чуқур экологик билимга эга бўлишлари муҳимлигини инобатга олиб, бу фанни ўқитиш соатларини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Ёки бу соҳадаги айрим долзарб мавзуларни малака ошириш курслари тингловчилари учун танлов фан сифатида ўқитиш мумкин.

**17.** Табиатни муҳофаза қилиш борасида таълим ва тарбияни ёш болалиқдан бошлаш бола онгида табиат тўғрисида фикрлар шаклланишига, жонли ва жонсиз табиатга меҳр уйғонишига, табиат ва унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш йўллари ва имкониятларини билишга ҳамда табиат ва жамият ўртасидаги алоқаларни тушуниб боришга олиб келади. Бунда экологик атлас ва карталардан фойдаланиш яхши самара беради. Ёш болаларда экологик саводхонликни оширишда тарбиячи ва ўқитувчиларнинг табиат ва унинг бойликлари, уларнинг жамият тараққиёти билан алоқалари, экологик ҳолатни чуқур билиши катта ўрин тутади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. Ўзбекистон. 1997.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент. Ўзбекистон. 2015.

3. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маърузаси. Тошкент. Chinog ENK. 2008.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” ги Қонуни (“Халқ сўзи” газетаси, 1998 йил 13 январь).

5. Ўзбекистон Республикасининг “Алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудлар тўғрисида” ги Қонуни (“Ўзбекистон экологик хабарномаси” журнали, 1995 йил 1-сон)

6. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2006.

7. Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби. 2-том. Тошкент. “Чинор ENK”, 2009.

8. Абдуллаева Н.С., Ортиқова Л.С. Ўрмонлар-табиий бойлигимиз. “Орол денгизи минтақасида юзага келган экологик офатнинг атроф-табиий муҳитга таъсири” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Бухоро. 2015 йил, 4-5 июнь. 124-126 бетлар.

9. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги фаолиятлар // Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси; Б.И.Урунов таҳрири остида. –Т.: Chinog ENK, 2011. -218 б.

10. Биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси ва ҳаракат режаси. Тошкент, 1998. 132 б.

11. Богданов О.П. Ўзбекистон ҳайвонлари (умуртқалилар). Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти. 1983. -320 б.

12. Богданов О.П. Редкие и исчезающие животные Узбекистана. Энциклопедический справочник. Ташкент. Глав. Ред. Энциклопедий. 1992.

13. Важнейшие орнитологические территории Узбекистана. Под редакцией Р.Д.Кашкарова, Д.Р.Уэллса и М.Бромбахера при участии Е.Н.Лановенко. Ташкент. Общество охраны птиц Узбекистана, 2008. – 192 с.

14. Девонова Н.М. Сангардак дарёсида тарқалган Туркистон лаккачасининг (*Glyptosternum reticulatum*) биологиясига доир баъзи маълумотлар // “Зоология фанининг долзарб муаммолари” мавзусидаги Республика илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 2009. 29-бет.

15. Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси (Кушлар). Тошкент. 1957. -127 б.

16. Крейцберг-Мухина Е.А., Канкаров Д.Ю. и др. Птицы водоёмов Узбекистана и Центрально-Азиатского региона. Полевой определитель водно-болотных птиц. Ташкент-Алматы. 2005.

17. Солиев А. Ўзбекистон географияси. Тошкент. “Университет”, 2014. 403 б.

18. Сурхондарёнинг ҳайвонот дунёси. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти. Ш.Х.Хуррамов умумий таҳрири остида. Тошкент, 2008. 200 б.

19. Сурхондарё вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитасининг 2012-2017 йиллар бўйича статистик маълумотлари.

20. Сурхон давлат кўриқхонасининг илмий ҳисоботлари. 2012-2017 йиллар.

21. Холиқов Т.Ш. Сурхон давлат кўриқхонаси худудида учрайдиган ва Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби” га киритилган ноёб ҳайвон турлари // “Ўзбекистоннинг биогеоэкологик муаммолари” мавзусидаги Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари. Термиз. 2016 йил, 15 март. 175-176 бетлар.

22. Холиқов Т.Ш. Редкие позвоночные животные Сурханского государственного заповедника (численность и распространения) // Материалы республиканской научной конференции по теме “Актуальные проблемы изучения и сохранения животного мира Узбекистана”. Ташкент. 2011. С. 42-43.

23. Холиқов Т.Ш. Материалы о состоянии популяций редких полорогих (Bovidae) животных на Кугитанге // Материалы республиканской научной конференции по теме “Актуальные проблемы изучения и сохранения животного мира Узбекистана”. Ташкент. 2011. С. 43-44.

24. Холмуродов Н. Сурхондарё табиати ва унинг муҳофазаси. Тошкент. Chinor ENK, 1998. -77 б.

25. Хуррамов Ш.Х. Сурхондарёнинг ўсимликлар дунёси. Қарши. “Насаф” нашриёти. 2013. 270 б.

26. Хуррамов Ш.Х., Бекмуродов А.С. Ҳалокат ёқасида. Тошкент. “Тафаккур” нашриёти. 2014. 66 б.



27. Шерназаров Э.Ш., Вашетко Э.В. ва бошқ. Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари. Тошкент. ФАН. 2006.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши .....	3
Кириш .....	5
Сурхондарё вилоятининг табиий-географик характеристикаси .....	7
Сурхондарё вилоятининг ҳайвонот олами тўғрисида умумий маълумот .....	11
Сурхондарё вилояти ҳудудида тарқалган ноёб ҳайвонлар	
Умуртқасиз ҳайвонлар .....	15
Балиқлар .....	24
Судралиб юривчилар .....	33
Кушлар .....	39
Сут эмизувчилар .....	65
Сурхондарёнинг ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонларини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари .....	78
Хулоса ва тавсиялар .....	80
Адабиётлар .....	84

УЎК 502.172(575.151)(075)

Б 49

КБК 28.688(5Ў)я7

Бекмуродов, А. С.

Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари [Матн] / А. С., Бекмуродов.  
- Тошкент : NIHOL, 2018. - 88 б.

УЎК 502.172(575.151)(075)

КБК 28.688(5Ў)я7

ISBN 978-9943-23-131-3

А.С. Бекмуродов

## Сурхондарёнинг ноёб ҳайвонлари

Сўзбоши муаллифи:	Э.О. Турдимов
Муҳаррир:	М. Ҳамроева
Дизайнер ва саҳифаловчи:	А. Ладина
Техник муҳаррир:	Б. Нурмухамедов

Нашриёт лицензияси АИ № 219, санаси: 3.08.2012 йил.  
Босишга 20.01.2018 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.

Офсет қоғози. Офсет босма.

Times New Roman гарнитураси. Кегль 11.

Шартли босма табоғи 5,11. Босма табоғи 5,5.

Адади 2000 нусха. Буюртма №3.

«Ofset print» МЧЖ босмаҳонасида босилди.

Босмаҳона ва нашриёт манзили:

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани,

Махтумкули, 1-уй.

Тел.: 249-90-14.




### **Абдужаббор Сатгорович Бекмуродов**

Бойсун туманидаги Қизилнавр кишлоғида туғилган. 1994 йилда Термиз давлат университетини битирган. 1994-1998 йилларда Бойсун туманидаги 24-мактабнинг биология фани ўқитувчиси, 1998-2000 йилларда Термиз давлат университети ўқув бўлими инспектори, 2000 йилдан буён Зоология кафедраси ўқитувчиси лавозимида фаолият кўрсатиб келмоқда. Профессор Ш.Х. Хуррамов илмий раҳбарлигида ўсимликларнинг паразит гельминтлари ва уларга қарши интеграллашган кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 60 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, 1 та монография (ҳаммуаллифликда), 2 та ус-

лубий қўлланма ва 1 та рисоаларнинг муаллифи.

Ватанимиз табиатини асраб-авайлаш инсоният келажагига дахлдор бўлганлиги боис, бу ишга ҳар бир киши ўз ҳиссасини қўшмоғи зарур, деб ҳисоблайди.



JOHN



ISBN 978-9943-23-131-3



9 789943 231313